

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАБИИЁТ-ГЕОГРАФИЯ ФАКУЛЬТЕТИ

**5440500 - «География» таълим йўналиши
09.433-гуруҳ битирувчиси**

Ҳакимова Дилобарнинг

**“Фарғона вилояти аҳолисининг 1991-2012 йиллардаги
ўсиш динамикасининг хусусиятлари”
мавзусидаги**

БИТИРУВ-МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Илмий раҳбар: География кафедраси
ўқитувчиси Ҳ.А.Абдувалиев**

Фарғона - 2013

**Фарғона вилояти аҳолисининг 1991-2012 йиллардаги ўсиш
динамикасининг хусусиятлари**

Р Е Ж А

Кириш.	3
I-Боб. Аҳоли динамикасини ўрганишнинг назарий ва амалий жихатлари	6
I.1. Аҳоли ўсишини ўрганишнинг амалий аҳамияти.	6
I.2. Фарғона вилояти аҳолиси, унинг таркиби ва жойлашуви	11
II-Боб. Фарғона вилоятида аҳолисининг 1991-2012 йиллардаги динамикаси хусусиятлари	19
II.1. Вилоят аҳолисининг туғилиш ва ўлим кўрсаткичларини баҳолаш	19
II.2. Фарғона вилояти меҳнат ресурсларининг сифат кўрсаткичларини баҳолаш	34
II.3. Вилоят аҳолиси динамикасининг айрим хусусиятлари ва уларни оптималлаштириш йўналишлари.	46
Хулоса.	54
Фойдаланилган адабиётлар.	56

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги ва аҳамияти. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда амалга оширилган иқтисодий ислохотларнинг барча босқичларида аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириши бош мақсад қилиб қўйилмоқди. Шаҳар ва қишлоқ аҳолиси фаровонлигини оширишга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Айниқса бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таклифига мувофиқ 2009 йилнинг ”Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” деб аталиши, узоқ муддатга мўлжалланган махсус Давлат дастурининг ишлаб чиқиши ва тасдиқланиши, уни жадал амалга оширишнинг бошлаб юборилиши қишлоқлар қиёфасини ва иқтисодиётини тубдан ўзгартириш даврини бошлаб берди. Шунингдек, шаҳар манзилгоҳларининг босқичма-босқич реконструкция қилинаётганли ҳам шаҳар аҳолисининг фаровонлигини янада ошириш, мавжуд аҳолининг турмуш шароитларини яхшилашга қаратилгандир.

Аҳоли кўпгина ижтимоий ва табиий фанларнинг ўрганиш объекти ҳисобланади. Жумладан, анатомия, инсон организмнинг тузилиши ва биологик хусусиятларини ўрганса, психология фани - инсон руҳиятини тадқиқ этади. Этнография алоҳида миллатларнинг урф-одатлари, қадриятларини, аҳоли географияси эса, аҳоли ва аҳоли манзилгоҳларининг таркиби, сони ва жойлашувидаги ҳудудий фарқларни ва бу фарқларни вужудга келтирувчи омилларни ўрганади. Шунингдек аҳолини ўрганувчи фанлар тизимида демография, социология, фалсафа, жамиятшунослик, тарих, статистика, экология, иқтисодиёт каби фанларни киритиш мумкинки. Буларнинг ҳаммаси биргаликда аҳолишунослик фанлари тизимини ташкил этади.

Аҳоли доимий ҳаракатда бўлганлиги учун уни ўрганишни мунтазам амалга оширишни тақозо этади. Шу мақсадда республикаимиз ҳудудларида аҳолини қайд этувчи бюролар ташкил этилган.

Фарғона вилояти аҳолиси ҳам республикада сон жиҳатдан олдинги ўринларни эгаллайди. Худуднинг суғорма деҳқончилик тараққий этган минтақада жойлашганлиги, қишлоқ хўжалик имкониятларининг юқорилиги бу ерда доимий аҳоли сонининг ортишига олиб келган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Аҳоли ва у билан боғлиқ жараёнларни кўплаб демограф ва географлар томонидан тадқиқ этилган. Бугунги кунгача, аҳоли географияси ва демография фанида аҳоли ва ундаги жараёнларни Б.С.Хорев, Б.У.Урланис, С.А.Ковалев, А.И.Алексеев каби олимлар томонидан ўрганилган бўлса, М.Қ.Қорахонов, О.Б.Отамирзаев, Х.С.Салимов, А.С.Солиев ва М.Р.Бўриеваларнинг олиб борган тадқиқотлари тахсинга лойиқдир. Мазкур битирув малакавий ишда С.Тян-Шанский, З.М.Акрамов, А.Н.Рўзиев, А.Ғофуров, Э.А.Аҳмедов, О.Б.Ота-Мирзаев, А.Солиев, А.А.Қаюмов, Ю.И.Аҳмадалиев каби олимлар томонидан таклиф этилган ҳисоблаш усулларида фойдаланиб Фарғона вилоятининг 1991-2012 йилладаги аҳолисини ўсишидаги жараёнлар таҳлил этилган.

БМИнинг мақсад ва вазифаси. Аҳоли зичлиги юқори бўлган Фарғона вилоятида қишлоқ хўжалида ишлатиладиган ерларнинг бугунги ҳолатини оптимал баҳолаш ва бу баҳолаш асосида туманнинг аниқ антропоген кўрсаткичларини ҳисоблаб чиқиш ушбу битирув ишининг долзарблиги ва аҳамиятини янада оширади.

БМИнинг объекти ва предмети. Тадқиқот объекти сифатида Фарғона вилояти олинган. Унинг предмети эса вилоят маъмурий туманлари доирасида аҳолисининг ёш-жинс, никоҳ ва ажралишлар, туғилиш ва ўлим кўрсаткичларини тадқиқ этишдир.

БМИнинг назарий услубий асослари. Бугунги кунда Фарғона вилояти қарийб 3 млн киши истиқомат қилмоқда. Бу эса республика аҳолисининг 10 фоизидан ортиқроқ қисми дегани. Кўриниб турибдики, минтақада аҳоли ўта зич ва тадқиқот талаб этувчи республикада худудларидан биридир.

БМИнинг таркибий тузилиши. Битирув малакавий иши кириш, икки боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Унинг умумий хажми – бет. Ишда 10 та чизма, 4 та жадваллар мавжуд. Ишни бажарилиши жараёнида 20 та адабиёт ва интернет сайтларидан фойдаланилган.

I-БОБ. АҲОЛИ ДИНАМИКАСИНИ ЎРГАНИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ

1.1. Аҳоли ўсишини ўрганишнинг амалий аҳамияти

Аҳолининг такрор барпо бўлиши жамият давомийлигини таъминловчи асосий жараён бўлиб, инсон авлодининг мунтазам янгиланиб туришидир. Инсон дунёга келиб яшайди, балоғат ёшига етиб, фарзанд кўради, насл қолдиради. Бу узвий жараён туфайли жамиятда авлодлар алмашади, аҳоли такрор ва такрор барпо бўлаверади. Аҳолининг такрор барпо бўлиши жамиятнинг мавжудлигини, аҳоли сонини ўсиб боришини таъминловчи асосий биологик жараёндир. Лекин, у бевосита ижтимоий-иқтисодий муҳит билан боғлиқ ҳолда содир бўлади. Баъзан муттахассислар аҳоли такрор барпо бўлишини аҳолининг уч асосий: табиий, ҳудудий (миграция) ва социал ҳаракатлари йиғиндиси сифатида таҳлил этадилар.

Аҳолининг такрор барпо бўлишида унинг табиий ҳаракати, яъни туғилиш ва ўлим асосий омил ҳисобланади. Туғилишнинг юқори бўлиши аҳоли такрор барпо бўлиши жараёнини кучайтиради ва аҳоли сонини ўсиб боришига олиб келади. Авлодларнинг алмашуви, уларнинг узоқ яшаши эса ўлим жараёнига боғлиқдир. Ўз навбатида инсон ҳаётида ўлимнинг содир бўлиши юқорида қайд этилганидек, қатор эндоген ва экзоген омиллар, аксарият ҳолларда жамиятдаги социал муҳит таъсирида содир бўлади. Инсон ҳамиша узоқ умр кўришга интилади. Ҳар бир жамиятда инсоннинг узоқ умр кўриши, авлодлар саломатлиги учун ижтимоий-иқтисодий имкониятлар яратилади. Натижада инсонларнинг узоқ умр кўришига, ўлим ҳолларини эса социал чора-тадбирлар билан бошқаришга эришилади.

Авлодларни узоқ умр кўриши, ташқи муҳит билан узоқ мулоқатда бўлиши унинг демографик майлига ҳам таъсир кўрсатади. Аҳоли тез суръат билан камайиб боришига ҳам омил бўлади. Натижада авлодлар ўртасида туғилишни, яъни насл қолдиришни бошқариш ҳоллари кенг тарқала бошлайди. Демак, аҳолининг такрор барпо бўлиши унинг табиий ҳаракатига

боғлиқ. Аҳоли табиий ҳаракати эса ўз вақтида социал муҳит таъсирида ўзгариб борарди.

Маълум ҳудуд ва давлат аҳолисининг такрор барпо бўлишида аҳолининг бир жойдан иккинчи жойга кўчиши, яъни ҳудудий ҳаракати ҳам аҳамиятлидир. Илмий тадқиқотларнинг кўрсатишича аҳоли такрор барпо бўлишининг асоси бўлган туғилиш, шаҳар турмуш тарзи таъсирида камайиб борган. Аксинча, қишлоқ турмуш тарзи туғилишни нисбатан юқори даражада сақланиб қолишига олиб келган. Аҳолининг шаҳардан қишлоққа, ёки қишлоқдан шаҳарга келиб яшаши бевосита унинг репродуктив майлига таъсир этиб, туғилишни камайиши ёки кўтарилишига олиб келади. Худди шундай аҳолининг социал ҳаракати, яъни унинг маълумотлитлик даражасини ошиб бориши, илм малака талаб этган хизмат доирасида фаолият кўрсатиши, тиббий билимлардан кўпроқ хабардор бўлиши, унинг узоқ умр кўришига, насл қолдириш-фарзандлар кўришига ҳам бевосита таъсир кўрсатади.

Инсониятнинг пайдо бўлиши, жамиятнинг ривожланиши давомида аҳоли такрор барпо бўлишини бошқариш тизимида катта ўзгаришлар кузатилган. Аҳолининг такрор барпо бўлиши, туғилиш ва ўлим жараёнларини бошқариш орқали маълум мақсадга йўналтирилади.

Аҳолининг такрор барпо бўлиши, яъни авлодлар алмашилиш жараёни жамият тараққиётининг турли босқичларида, давлатларда, миллатларда ўзига хос хусусиятга эгадир. Ана шу хусусиятларни аниқ билиш учун аҳоли такрор барпо бўлишини ифодаловчи махсус кўрсаткичлар, яъни коэффициентлардан фойдаланилади.

Аҳоли такрор барпо бўлишининг брутто коэффициенти. Ҳар бир аёлнинг репродуктив, яъни фарзанд кўриш даврида (15-49 ёш) ўрганилаётган даврдаги туғилиш даражаси сақланган ҳолда, нечта қиз бола кўриши мумкинлигини аниқлаб беради. Ушбу коэффициент қуйидаги формула орқали ифодаланади.

$$R = \delta \sum_{15}^{49} \times fx$$

R -брутто коэффициентнинг ифодаси.

δ -туғилганларнинг умумий миқдорида қиз болалар салмоғи(0,488).

f_x -ёш гуруҳлари бўйича туғилиш коэффициенти.

$\sum_{15}^{49}$ – 15-49 ёш гуруҳлари туғилиш коэффициентининг йиғиндиси.

Аҳоли такрор барпо бўлишининг брутто коэффициентида ўлим ҳисобга олинмайди.

Аҳоли такрор барпо бўлишининг нетто коэффициенти. Бу коэффициент, аҳоли такрор барпо бўлишининг соф коэффициенти бўлиб, у авлодлар алмашинув даражасини аниқ ифодалайди, чунки бу кўрсаткичда туғилган қиз болаларни онасини ёшига етгунга қадар яшаб борганлари ҳисобга олинади. Бошқача қилиб айтганда аҳоли такрор барпо бўлишининг нетто коэффициентида ўлим эҳтимоли ҳисобга олинади ва нетто коэффициент формуласи қуйидагича ифодаланди:

$$R_0 = RLX$$

R-брутто коэффициент.

Lx-Онасининг ёшигача яшаган қизлар.

Агар, $R_0 > 1$ бўлса, аҳоли ўсиб боради ва кенгайган аҳоли такрор барпо бўлиши содир бўлади; $R_0 < 1$ бўлса, аҳоли сони камайиб боради ва қисқарган аҳоли такрор барпо бўлиши юз беради: $R_0 \approx 1$ бўлса, аҳоли сони ўзгармайди. Бундай ҳолни оддий аҳоли такрор барпо бўлиши дейилади.

Демографик ўтиш, деб аҳоли такрор барпо бўлишини, бир турдан иккинчи турга (кенгайган аҳоли такрор барпо бўлишидан, қисқарган аҳоли такрор барпо бўлишига) ўтишига айтилади. Демографик ўтиш концепцияси фанда биринчи марта француз демографи Л.Ландри томонидан 1903-1934 йилларда яратилган ва уни демографик революция деб аталган. 1945 йилда америкалик демограф Ф.Ноутстайн «Демографик ўтиш» иборасини таклиф этди.

XIX асрнинг охирида аҳоли туғилиши ва ўлим ҳоллари биологик қонуниятларгагина эмас, балки социал шарт-шароитлар билан боғлиқ ҳолда

содир этилиши қайд этилган. Жамият тарихий ривожланиши жараёнида аҳоли такрор барпо бўлишида чуқур ўзгаришлар юз берди. 1950 йилларга келиб, жамиятда демографик жараёнлар (нихох, туғилиш ва ўлимни) бошқариш жараёни кенг тарқалди.

Жамият тараққиётида рўй берган йирик ижтимоий иқтисодий ўзгаришлар, аҳолининг демографик майлига бевосита таъсир этди. Айниқса, қатор давлатларда аҳолининг фарзандлар сонига бўлган муносабати ўзгарди. Кўпболалик ўрнини ўртача болалик, кам болалик эгаллай бошлади. Оилани кўп фарзандга бўлган талаби аста-секин урбанизация жараёни, саноатни ривожланиши, аёллар билим даражасини ошиб бориши, ижтимоий ҳаётдаги ўрнини ўзгариб бориши билан боғлиқ ҳолда камая борди. Шунингдек жамиятда илм-фаннинг, айниқса тиббиётнинг ривожланиши, аҳолига тиббий хизматнинг кенг тарқалиши аҳоли ўртасида ўлимни кескин камайишига, ўртача умр кўриш даврини эса узайишига сабаб бўлди. Хомиладорликни олдини олувчи воситалар ҳақидаги билимлар мунтазам шаклланиб борди. Бу воситалардан фойдаланиш, эса кенг тарқала бошлади. Қатор давлатларда туғилишни нисбати юқори даражада сақланиб туриши, ўлимнинг эса кескин камайиши, аҳоли сонини бирдан ўсиб боришига сабаб бўлди. Бу жараён дунёдаги ривожланаётган давлатларда, айниқса 1960-1970 йилларда кескин тус олди.

Аҳоли сонини тез суръатлар билан кўпайиб боришини аҳолишунос олимлар «Демографик революция» ёки «Демографик портлаш» деб атадилар. Аҳолининг бундай тез суръат билан кўпайиб бориши ҳар бир давлат учун ижтимоий иқтисодий муаммоларни юзага келтирди. Натижада кўпгина давлатлар ўсиб бораётган аҳоли сонини чеклашга ҳаракат қилдилар, «Туғилишни назорат этиш» дастури қабул қилинди ва туғилиш жараёни экзоген (ташқи) омиллар таъсирида бошқарила бошланди. Аҳоли такрор барпо бўлишини ташкил этган икки асосий жараён туғилиш ва ўлимни бошқарилиши аҳоли такрор барпо бўлиш суръатини, ўзгаришига олиб келди. Аҳоли такрор барпо бўлиши бир турдан иккинчи турга ўта бошлади. Ушбу

ҳолни юқорида қайд этилганидек-«демографик ўтиш», деб белгиланди. Демографик ўтиш жараёни босқичма-босқич содир бўлди. Муттаҳассислар томонидан демографик ўтиш тўрт босқичга ажратилди.

Биринчи босқич. Бу босқич ривожланган мамлакатларда XX аср ўрталарида кузатилди. Унда аҳоли ўртасида туғилиш ва ўлим ҳоллари камая бошлади. Лекин ўлим туғилишга қараганда жуда тез суръат билан камаяди. Баъзи давлатларда эса туғилиш деярли камаймайди. Натижада аҳолининг табиий ўсиши жуда юқори даражада бўлади.

Иккинчи босқич. Ўлимнинг камайиши жараёни давом этади ва камайиши энг кульминацион нуктага етади. Туғилишнинг камайиш суръати эса жадаллашади. Натижада, аҳоли табиий ўсиши секинлаша боради.

Учинчи босқич. Ушбу босқичда юқори босқичларда рўй берган туғилишни ва ўлимни камайиши, аҳоли ўртача умр кўриши муддатини узайиши натижасида аҳоли таркибида қариялар салмоғи кўпайиб боради. Бу ҳол ўлим ҳолатини кўпайиб боришига олиб келади. Туғилиш яна ҳам камайиб боради ва оддий аҳоли такрор барпо бўлиши содир бўлади. Яъни нетто коэффициент 1 га тенглашади. Бошқача қилиб айтганда. Ҳар бир она ўз ўрнига фақат биттадан қизни-бўлажак онани қолдиради ҳолос. Бу босқичда аҳоли ёш таркибида стабиллашув тўлиқ кузатилмайди. Аҳоли таркибида ўлим ҳоллари кам бўлган гуруҳ-ёшлар салмоғи нисбатан баланд бўлади.

Тўртинчи босқичда ўлим ҳоллари юқори даражада бўлади. Ўлим ва туғилиш коэффициентлари тенглашади. Демографик стабиллашув жараёни тугалланади.

Дунёдаги қатор ривожланган давлатлар XX асрнинг 80 йилларида учинчи босқичнинг тугалланиш даврига ўтганлиги кузатилади. Шу даврда, кўпгина ривожланган давлатлар эса демографик ўтиш биринчи босқичнинг охириги ва иккинчи босқичнинг бошланиш давридадирлар.

1.2. Фарғона вилояти аҳолиси, унинг таркиби ва жойлашуви.


Фарғона водийси ҳудудида қадимдан кишилар яшайди. Сел-Унғур ғоридан (Фарғона вилояти, Сўх туманида) топилган бола суягини олимлар 1 миллион ёш деб баҳолашган. Вилоят табиий ресурсларга бойлиги, қадимдан кишиларни ўзига жалб қилиб келган. Бироқ Улуғ Ватан урушига қадар вилоят ҳудудида яшаш шароити оғирлиги, медицинанинг суст ривожланганлиги сабабли табиий ўсиш суратлари паст даражада бўлган. Туғилган чақалоқларни касалини даволовчи медицина ожиз эди, турли эпидемия касалликлари (қизамиқ, сувчечак, безгак) туфайли, айниқса ёшлар ўртасида ўлим кўп эди. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудлари каби Фарғона вилоятида ҳам медицина раванқ топди. Турли эпидемия касалликларини олди олинди, халқ турмуш шароити яхшиланди. Вилоят аҳолиси фақат табиий ўсиш ҳисобигагина эмас, балки механик ўсиш ҳисобига ҳам тез ўсиб борди (Уруш йиллари Россиянинг марказий районларидаги кўплаб завод-фабрикалар Ўзбекистонга, хусусан Фарғона вилоятига ҳам жойлаштирилган эди).

Фарғона вилояти республикамизда ўзига хос табиий-экологик, ижтимоий-иқтисодий ва демографик хусусиятларга эга бўлган ҳудудлардан бири ҳисобланади. Вилоят аҳолиси сони 2009 йил 1 январ ҳолати бўйича 3022,1 минг кишини ташкил этган ҳолда мунтазам кўпайиб бормоқда. Сўнги йигирма йил ичида вилоят аҳолиси сонига 882,4 минг киши қўшилди ёки ҳозирги мавжуд аҳолининг 29,2 фоизи қўшилди. Вилоят аҳолиси сони бўйича республикада фақат Самарқанд вилоятидан сўнг туради (2000 йилгача Фарғона вилояти аҳолиси Самарқанд вилояти аҳолисидан кўп бўлган). Бунча аҳоли сони тассаввур қилиш учун қуйидагиларга эътибор беринг; Фарғона вилояти аҳолиси сони Тожикистоннинг 40%, Туркменистонинг 58%, Қирғизистоннинг

56%, Қозоғистоннинг 19%, Монголиянинг 110%, Латвиянинг 130%, Литванинг 90%, Эстониянинг 230%, Арманистоннинг 95%, Озарбейжоннинг 34%, Грузиянинг 65%, Россиянинг 2,1%, Хитойнинг 0,2%, Исландиянинг 1000%, Ўзбекистоннинг 10,9% аҳолисига тенг.

1 - чизма. *

Фарғона вилояти доимий аҳолисининг тадрижий ўзгариши (йил боши бўйича, минг киши)



*Чизма Давлат статистика кўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Мустақиллик йилларида Фарғона вилояти аҳолиси сони динамикасида туғилишнинг камайиши ва миграция қолдиғининг манфийлиги сабабли ўсиш суръати пасайди. Айниқса шаҳар аҳолисининг вилоятдаги улуши камайиб борди. Урбанизация даражаси 31 дан 27,8 га тушиб кетти. 1991 йилдан 2012 йил оралиғида вилоят аҳолиси 136,4 фоизга ўсди. Мустақиллик йилларида аҳолининг йиллик кўпайиш даражаси 1,9 фоизни ташкил қилди. Лекин бу кўрсаткич асосан 1997

йилгача бўлган юқори туғилиш натижасидир. 2000 йилдан 2009 йилгача вилоят аҳолиси 113,4 фоизга ўсган ҳолда, йиллик кўпайиш 1,3 фоизни ташкил этган ҳолос. Сўнгги йилларда аҳолининг йиллик ўсиш даражаси кўтарилмоқда, асосан туғилишнинг умумий миқдори ўсиши ҳисобига бунга эришилди. Вилоят аҳолиси сонигаги ўзгаришларни қуйидаги жадвалдан кўришимиз мумкин.

1 - жадвал*

**Мустақиллик йилларида Фарғона вилояти аҳолисининг сони,
жойлашиши ва йиллик кўпайиши.**


Йиллар	Умумий сони, минг киши	Шаҳар аҳолиси, минг киши	Қишлоқ аҳолиси, минг киши	Урбинизация даражаси, фоизда	йиллик кўпайиш, фоизда
1991 й	2214,6	686,2	1528,4	31,0	1,7
1992 й	2270,4	693,6	1576,8	30,5	2,5
1993 й	2326,0	708,8	1617,2	30,5	2,4
1994 й	2386,1	718,0	1668,1	30,1	2,5
1995 й	2432,6	718,1	1714,5	29,5	1,9
1996 й	2487,6	726,6	1761,0	29,2	2,2
1997 й	2537,9	735,4	1802,5	29,0	2
1998 й	2585,9	753,2	1832,7	29,1	1,8
1999 й	2627,3	766,6	1860,7	29,2	1,6
2000 й	2664,4	776,1	1888,3	29,1	1,4
2001 й	2697,5	780,8	1916,7	28,9	1,2
2002 й	2729,8	785,2	1944,6	28,8	1,2
2003 й	2765,7	790,2	1975,5	28,6	1,3
2004 й	2799,2	795,0	2004,2	28,4	1,2

2005 й	2840,9	802,3	2038,6	28,2	1,4
2006 й	2878,9	809,5	2069,4	28,1	1,3
2007 й	2920,3	817,5	2102,8	28,0	1,4
2008 й	2972,2	827,2	2145,0	27,8	1,7
2009 й	3022,1	836,9	2185,2	38,3	1,7
2010 й	3075,2	846,6	2228,6	38,0	1,1
2011 й	3179,3	856,5	2322,8	36,9	1,1
2012 й	3227,3	867,5	2359,8	36,8	1,2

Жадвал Давлат Статистика қўмитаси ва Фарғона вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилди.

Фарғона вилоятида аҳоли зичлиги 1 км² га 447,1 кишини ташкил этгани ҳолда, бу кўрсаткич бўйича республикамизда фақат Андижон вилоятидан кейин туради. Туманлар ичида аҳолиси энг зич жойлашган Учкўприк туманидир. Бу туманда аҳоли зичлиги 1 км.кв.га 653,4 кишини ташкил этади (2009 йил 1 январь ҳолатига). Аҳоли зичлиги бўйича туманлар ичида кейинги ўринларда Тошлоқ – 639,5 ва Бувайда тумани – 628,3 киши туради. Аҳоли зичлиги кўрсаткичлари вилоятнинг Марказий Фарғона ва тоғ-адир минтақаларида жойлашган туманларда камроқ. Масалан, Ёзёвон туманида 205,1, Сўх туманида – 270,1 киши, яъни бу туманларда аҳоли зичлиги вилоят даражасидан анча паст кўрсаткичга эга. Вилоят аҳолисининг ҳудудий жойлашувини қуйидаги диаграммадан аниқ кўриш мумкин.


**Фарғона вилояти аҳолисининг ҳудудий жойлашуви
(01.01.2011 й. минг киши ҳисобида)**



*Чизма Фарғона вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилди.

Вилоят аҳолиси миллий таркибида сўнгги йилларда сезиларли ўзгаришлар юз берди. Мустақилликдан сўнг кўплаб Европа ва Осиё халқлари ўз ватанларига қайтиб кета бошлади. Айниқса, славян миллати вакиллари, месхети – турклар, корейс ва греклар ўз юртларига кўчиб кетиши кузатилди. Бошқа миллат вакилларида аҳоли такрор барпо бўлишининг сустлиги бу миллат вакилларини вилоятдаги улушини қисқаришига олиб келган иккинчи омилдир. Аҳоли миллий таркибидаги ўзгаришларни қуйидаги расмдан кўриш мумкин.

**Фарғона вилояти аҳолиси миллий таркибидаги ўзгаришлар
(фоиз ҳисобида).**



* Чизма Фарғона вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.


Вилоят аҳолиси жинсий таркибидаги нисбат катта эмас, 50,1% эркаклар, 49,9 % аёлларни ташкил қилади, яъни ҳар 1002 эркакка 1000 аёл тўғри келади. Лекин бу кўрсаткич 1992 йил билан таққослаганда сезиларли ўзгаришга учраганини кўришимиз мумкин. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида жами аҳоли таркибида аёллар салмиғи кўпроқ бўлган 50,7%, яъни ҳар 974 эркакка 1000 та аёл тўғри келган.

Аҳоли саломатлигининг иқтисодий-демографик жиҳатларини ўрганишда энг муҳим кўрсаткич бу аҳолининг ёш таркибидир. 2008 йилги маълумотларга кўра вилоят аҳолисининг ёш гуруҳларида ёшларининг (0-15 ёшлилар) хиссаси 33 фоизни ташкил қилади. Бу кўрсаткич 1992 йилда 42,2 фоиз бўлган эди. Лекин аҳоли ёш гуруҳи таркибида ёшлар салмоғининг камайишига биринчи навбатда туғилиш даражасининг пасайиши сабаб бўлмоқда. Шу йилларда қишлоқ аҳолиси ёш таркибида ёшларнинг салмоғи 44,6 фоиздан 34,4 фоизга қисқарганлигини кўришимиз мумкин. Меҳнат ёшидаги аҳоли (16-59 ёш)

сони 2008 йилда 60,8 фоизни ташкил қилган. 1992 йилда бу ёш гуруҳидаги аҳоли сони 51,2 фоизни ташкил қилган эди. Ақсинча мустақиллик йилларида қишлоқ жойларда бу ёш гуруҳидаги аҳоли сони 49,7 фоиздан 59,9 фоизга кўпайганлигини кўришимиз мумкин. Қариялар салмоғи (60 ёшдан катталар) 6,2 фоизни ташкил қилгани ҳолда, 1992 йилда бу кўрсаткич 6,6 фоизга тенг эди. Аҳоли таркибида яна 20 – 25 йил меҳнат ёшидаги аҳоли ўсиб боради. Қариялар салмоғининг камайиши аста секин тўхтаб, кейинчалик қариялар салмоғи ортиб бориши кузатилади.

4 - чизма.*

Фарғона вилояти аҳолисининг ёш-жинс пирамидаси



* Чизма Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Юқоридаги вилоят аҳолисининг ёш-жинс пирамидасида Иккинчи жаҳон урушининг аҳоли сонига салбий таъсири яққол кўринида, бундан ташқари туғилишнинг пасайиши натижасида ёшларнинг умумий аҳоли сонига салмоғи пасайиши оқибатида 2008 йилги ёш-жинс пирамидасида иккинчи “кемтик” пайдо бўлганлигини кўришимиз мумкин.

Мустақиллик йилларидаги турли хил ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-тиббий, психологик сабаблар оқибатида туғилиш даражаси пасайди. Бу жараён ўтиш даври учун кўплаб ижобий натижаларни бериши мумкин, лекин кейинчалик ёш-жинс пирамидаси ҳозирги кўплаб ривожланган мамлакат бошидан кечараётган демографик муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

Демографик юклама коэффициенти иқтисодий фаол аҳолига қанча болалар, қариялар туғри келишини ифодалайди. Фарғона вилоятида демографик юк коэффициенти 1992 йилда ҳар 100 меҳнат ёшидаги аҳолига 101,3 та болалар ва қариялар туғри келган бўлса, 2008 йилда бу кўрсаткич 68,2 ни ташкил этган. Охириги йиллардаги туғилиш даражасининг пасайиши натижасида аҳоли ёш гуруҳи таркибидаги ёшлар салмоғининг камайиши бунга сабаб бўлмоқда.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДА АҲОЛИСИНИНГ 1991-2012

ЙИЛЛАРДАГИ ДИНАМИКАСИ ХУСУСИЯТЛАРИ

2.1. Вилоят аҳолисининг туғилиш ва ўлим кўрсаткичларини баҳолаш

Аҳолининг кўпайишида аҳолининг такрор барпо бўлиши муҳим ўрин эгаллайди. Чунки, вилоят демографик вазиятида туғилиш ҳам ўлим жараёни ҳам ҳамisha ижобий хусусиятга эга бўлган. Жамиятнинг ижтимоий – иқтисодий таркибидаги ўзгаришлар туғилиш даражасини белгилайди. Туғилиш инсонларининг репродуктив майли, яъни фарзанд кўришга бўлган муносабати билан боғлиқдир.

Туғилиш – биологик жараён бўлиб ижтимоий-иқтисодий шарт шароитлар таъсирида ўзгариб боради. Бундай боғлиқликни Ўзбекистон қишлоқ ҳудудларида туғилиш динамикасидаги ўзгаришлар ҳам ифодалайди. Туғилишни ифодаловчи кўрсаткичлар динамикаси Ўзбекистонда ўтказилган демографик тадқиқотлар, 1970 йилга қадар Ўзбекистонда, шаҳар ва қишлоқ ҳудудлари орасида туғилиш кескин фарқ қилмаганлигини кўрсатади.

XX асрнинг охири чорагида республикада урбанизация жараёнининг ривожланиши, аҳолини турмуш тарзида содир бўлган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар оилада фарзандлар туғилишини секин – аста қисқариб боришига олиб келди. Туғилишнинг қисқариб бориш суръати 1990 йилларга қадар қишлоқ ҳудудларида шаҳарларга нисбатан пастроқ эди. Бу ҳол қатор омиллар билан боғлиқ бўлган. Уларнинг дастлабкиси *қишлоқнинг ўзига хос турмуш тарзидир.*¹

Қишлоқ оилаларида озиқ-овқат маҳсулотлари ўзлари етиштиради, бозордан харид қилинмайди (натура хўжалиги). Озиқ-овқат маҳсулотларини етиштиришда эса фарзандлар ота-оналарига ёрдам

¹ Солиев А.А., Бўриева М.Р., Тожиева З., ва бошқалар. Қишлоқ жойлари демографияси.-Т.: Университет.2005.

берадилар. Демак, қишлоқ оилаларида болалар маълум даражада моддий бойлик яратадилар. Бундан оила иқтисодий манфаатдор. Шунинг учун ҳам қишлоқ оилаларида болалар сонининг кўпайиши оила учун шаҳар шароитидек кескин иқтисодий тангликни келтирмайди.

Табиийки, ушбу муаммолар аста-секин шаҳар оилаларида фарзандлар туғилишининг қисқаришига олиб келган ва бу қисқариш Ўзбекистоннинг қишлоқ оилаларига қараганда юқори даражада содир бўлган. Масалан 1990 йилда ҳар 1000 киши ҳисобига қишлоқда 39 та бола туғилса, шаҳарда эса 26 та бола туғилганлиги қайд этилган.

1970-1990 йилларда Ўзбекистон аҳолисининг деярли 60 фоизи қишлоқларда, қолган 40 фоизи эса шаҳарларда истиқомат қилишган. Республикамиз оилаларида туғилишнинг нисбатан юқорилиги уларнинг кўпчилиги қишлоқ шароитида, қишлоқ турмуш тарзида яшаб келаётганлиги билан маълум даражада боғлиқдир.

Ўзбекистон қишлоқ ҳудудларида 1990 йилга қадар туғилишнинг нисбатан юқори даражада сақланишига олиб келаётган омиллардан бири *аёллар банд бўлган ижтимоий меҳнатнинг хусусиятидир*. Махсус демографик тадқиқотларнинг кўрсатишича, ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлган ўзбек аёллари оилада, ижтимоий ишлаб чиқаришда катнашмай, фақат уй-рузғор ишлари, бола тарбияси билан банд бўлган аёлларга нисбатан камроқ фарзанд кўришган. Бунинг ўз сабаблари бор албатта. Биринчидан, завод-фабрикаларда, жамоат ташкилотларида ва турли давлат корхоналарида меҳнат қилаётган аёлнинг кўп вақти ижтимоий ишлаб чиқаришга кетади. Уй-рузғор ишлари, бола тарбияси билан шуғулланиш аёлдан қўшимча вақт, қўшимча ҳаракат, куч-қувват талаб этади. Аёл кўп ҳолларда дам олиш, саломатлигини тиклаш учун сарф қилиниши керак бўлган вақт ҳисобига оила юмушларини бажаради, фарзандларини тарбиялаш билан шуғулланади. Агар аёл оиласида фарзандлар қанча кўп бўлса, аёлдан шунча кўп вақт, ҳаракат, куч-қувват

талаб этилади. Борди-ю, аёл оиласида фарзандлар камроқ бўлса, у ҳолда аёл болалар билан шуғулланишга ҳам ижтимоий ишлаб чиқаришда қатнашишга ҳам улгурушга ҳаракат қилади. Шу туфайли, ижтимоий меҳнатни кўпроқ вақт, малака талаб этадиган соҳаларида банд бўлган аёллар оилада фарзандлар сонини режалаштирганлар.¹

Ўзбекистон қишлоқ ҳудудларида хотин-қизларнинг катта қисми қишлоқ хўжалик ишларида банд. Бироқ, уларнинг аксарияти пахта чопиғи ва терими, пиллачиликда ишлаб, маълум бир мавсумдагина ижтимоий ишлаб чиқаришда қатнашганлар. Бу ҳолат қишлоқ аёллари учун кўпроқ уйда бўлишга ва асосан оила юмушлари билан банд бўлишига имкон яратган ва табиийки, туғилишга ҳам ижобий таъсир қилган.

Қишлоқ ҳудудларида туғилишга ижобий таъсир этувчи омиллардан яна бири, *кўп болаликни қўллаб-қуватловчи анъаналарнинг аҳоли орасида нисбатан кўпроқ, сақланиб қолганлигида*. Буларга ёш оилани ота-оналари билан, яъни катта авлод билан бирга яшаши, опа-сингил, ака-ука ва кариндошлар орасидаги ҳамжиҳатлик, оилада ўғил болаларнинг кўпроқ туғилишига интилиш ва кўп болали аёлларни жамият орасида алоҳида кадрланиши каби анъаналарни мисол қилиш мумкин.

Ўзбекистонда 1991 йилдан бошлаб янги иқтисодий шароитни шаклланиши, яъни халқ хўжалигининг барча соҳаларида бозор муносабатларининг жорий этилиши ўлканинг ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларининг маълум даражада ўзгаришига сабаб бўлди. Республика мустақил тараққиётининг дастлабки босқичида аҳоли турмуш тарзида баъзи иқтисодий ўзгаришлар содир бўлди. Давлат томонидан аҳоли ижтимоий ҳимоя этилсада, ўлкада ишлаб чиқариш муносабатларининг ўзгариши, айниқса ҳомиладорликдан сақловчи


¹ Солиев А.А., Бўриева М.Р., Тожиева З., ва бошқалар. Қишлоқ жойлари демографияси. -Т.:

тиббий воситалар ва улар ҳақидаги тушунчаларни омма ўртасида, шу жумладан қишлоқ ҳудудларида ҳам кенг тарқалиши, аҳолининг репродуктив майлига (оилада болалар сонига бўлган муносабатга) кескин таъсир этди. Натижада республикада, шу жумладан қишлоқ аёлларида ҳам туғилишни назорат этиш жараёни кенг тарқала бошлади. Ўзбекистон оилаларида бешинчи, олтинчи, еттинчи ва ундан кейинги фарзандлар туғилиши кескин камайди. Бу ҳол Ўзбекистон қишлоқ ҳудудларида туғилишни ифодаловчи барча кўрсаткичлар динамикасида ифодаланади.

Аҳоли такрор барпо бўлишида муҳим омил бўлган туғилиш даражаси сўнгги йилларга нисбатан ўсмоқда, бунга биринчи навбатда 1980-1990 йилларда туғилганларнинг репродуктив ёшга кираётганлиги билан изохлаш мумкин. Бу йилларда Ўзбекистонда туғилиш даражаси жуда юқори бўлган. 2008 йилда вилоятда 66,2 минг чақалоқ дунёга келди ёки туғилишнинг умумий коэффиценти 22,0 ‰ ни ташкил қилган. Туғилиш кўрсаткичида вилоятнинг ҳудудлари ўртасида фарқни кўриш мумкин. Шаҳарларда туғилиш даражаси вилоят ўртача кўрсаткичидан анча паст бўлиб, Фарғона шаҳрида 17,5‰, Қўқонда 20,0‰, Қувасойда 20,9‰. Фақат Марғилон шаҳрида туғилиш даражаси ўсаётганлигини кўриш мумкин - 22,2‰. Қишлоқ жойларда республикада бўлгани сингари туғилиш кўпроқ. Энг юқори кўрсаткич аҳолиси этник тожиклардан иборат Сўх туманида кузатилмоқда (28,7‰). Кейинги кўрсаткич Бувайда туманига тегишли бўлиб туғилиш даражаси 25,8 промиллега тенг. Бундан ташқари Ёзёвон, Данғара, Боғдод каби туманларда туғилиш даражаси вилоят ўртача кўрсаткичидан юқори.

Шаҳар турмуш тарзи доимо туғилиш даражаси пасайишига хизмат қилади. Вилоятда йирик шаҳарлар атрофида жойлашган туманларда ҳам туғилиш даражасининг вилоят ўртача кўрсаткичидан пастлигини кузатиш мумкин. Масалан, Фарғона шаҳрига ёндош Тошлоқ (21,0‰), Фарғона


(19,8%), Қўқон шаҳрига яқин жойлашган Фурқат (21,8%) туманларида туғилиш даражаси пастлигини кўриш мумкин.

Фарғона вилояти туғилишнинг умумий коэффиценти*(2011 йил, 1000 кишига нисбатан)*

*Манба: Фарғона вилояти статистика бошқармаси маълумотлари.

Туғилишнинг йиғинди коэффиценти туғилиш даражасини энг аниқ ифодаловчи кўрсаткич бўлиб, 4,0 дан юқори бўлса туғилиш даражаси юқори 2,15 дан кам бўлса туғилиш даражаси паст ҳисобланади. Фарғона вилоятида туғилишнинг йиғинди коэффиценти 2,32 га тенг (2006 йил). Мустақиллик йилларида бу кўрсаткич кескин камайиб кетган. Айниқса, шаҳар жойларида туғилиш даражаси жуда паст кўрсаткичга эга, кўрсаткич маълум бир нуқтага келиб тўхташи кутилади. Чунки турли хил анъаналар, урф-одатлар, қадриятлар, айниқса дин туғилишни камайишига тўсқинлик қилиши мумкин.

**Фарғона вилояти аҳолисининг ёш гуруҳлари бўйича туғилиш
коэффициенти (промелледа)**



Манба: Демографический ежегодник Узбекистана 2003.- Т.: 2004. с 153-158.

Фарғона вилоятида туғилишнинг хусусий коэффициенти туғилиш даражасининг пасайиш тенденциясини яққол ифодалайди. Юқоридаги чизмада бу жараённинг 1996 йил билан 2003 йил кўрсаткичлари таққосланган. Бундан кўриниб турибдики, сўнгги йилларда вилоятда туғилишнинг хусусий коэффициенти кескин камайиб кетган. Айниқса 15 – 19 ёш гуруҳида туғилишнинг хусусий коэффициенти 69,0 дан 12,0 промиллегача ўзгариши бунга яққол мисол бўлади.

Ўлим аҳолини такрор барпо бўлишининг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Чунки ҳар бир давлат аҳолисининг табиий кўпайиши, ижтимоий демографик гуруҳларнинг шаклланиши аҳолининг ўлими билан узвий боғлиқдир.

Маълумки, аҳоли ўлими жуда кўп биологик ва ижтимоий омиллар таъсирида содир бўлади. Улар икки гуруҳга ажратилади: эндоген ва экзоген омиллар.

-Эндоген омиллар - инсоннинг ички организми ривожланиши билан боғлиқ бўлган омиллардир.

-Экзоген омиллар эса, ташқи муҳит билан боғлиқ бўлган омиллардир.

Эндоген омиллар таъсиридаги ўлим ҳоллари инсон организми ривожланишидан тўхтаган даврларда асосан аҳолининг кекса гуруҳларида кўпроқ учрайди. Аҳолининг ёш гуруҳлари, ёш авлодлари ўртасидаги ўлим ҳоллари кўпроқ ташқи муҳит таъсирида, яъни аҳоли ўртасида турли касалликларни тарқалиши, очарчилик, уруш каби ҳодисалар билан боғлиқ ҳолда юз беради.

Ўтмишда Ўзбекистон қишлоқ аҳолиси ўртасида ўлимнинг юқори даражада бўлганлиги кўпроқ экзоген омиллар билан боғлиқ бўлган.

Маълумки, Чор Россияси даврида Ўзбекистон аҳолисининг ижтимоий- иқтисодий аҳволи оғир эди. Меҳнаткашларнинг меҳнати муҳофаза этилмаган. Улар бир суткада 14-15 соат антисанитария шароитида меҳнат қилганлар. Саноат тармоқларида меҳнат қилган маҳаллий миллатга, айниқса аёлларга иш ҳақи кам миқдорда тўланган.

Экзоген омиллар натижасида аҳоли ўртасида жуда эрта ўлим ҳоллари кўп учраган. Аҳолининг ўртача умр кўриши 30-32 ёшни ташкил этган ҳолос. Аҳоли кўпайиши жуда секин борган. 1885-1917 йиллар давомида Ўзбекистон аҳолиси йилига 0,6 фоиз дан, 1917-1940 йиларда эса 1,5 фоиз дан кўпайиб борган.

XX асрнинг иккинчи ярмида Ўзбекистонда шу жумладан унинг қишлоқ ҳудудларида ҳам тиббий тизим ташкил топди ва ривожланди. Минглаб касалхоналар, дорихоналар ташкил этилди, аёллар ва болаларга тиббий ёрдам кўрсатиш соҳалари ривожланиб, тиббиёт ҳодимларини тайёрлаш йўлга қўйилди. Аҳолини тиббий ёрдам билан таъминлаш даражаси ошиб борди.

Аҳоли ўлимининг камайиши айниқса иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда яққол кузатилади. Бугунги кунда Ўзбекистон дунёдаги аҳоли ўлими нисбатан кам бўлган давлатлар қаторига киради.

Республикада яна кенг тарқалган касалликлардан бири нафас йўллари касалликлари бўлиб, ушбу касаллик туфайли ўлим ҳоллари, аҳоли ўлимининг деярли 20 фоизини ташкил этади. Бу касалик туфайли ўлганларнинг 70 фоизи эркаклардир. Бунга сабаб - биринчи навбатда, уларнинг чекиши, алкагол ичимликларини исътемомл этишидир. Натижада эркаклар орасида нафас йўли, жигар церрози, ошқозон- ичак, буйрак, сийдик йўли касаликлари ва бахтсиз ҳодисалар туфайли ўлим ҳоллари ҳам юқоридир.

Ўзбекистонда аҳоли ўлимининг хусусиятларидан бири унинг кейинги пайтларда шаҳар ва қишлоқ бўйича кескин фарқ қилишидир. Масалан, 2003 йили ўлимнинг умумий коэффиценти шаҳар аҳолиси учун эса- 6,4 фоизни ташкил этган бўлса, қишлоқ аҳолиси учун эса- 4,7 фоизни ташкил этади.

Республикада яна кенг тарқалган касалликлардан бири нафас йўллари касалликлари бўлиб, ушбу касаллик туфайли ўлим ҳоллари, аҳоли ўлимининг деярли 20 фоизини ташкил этади. Бу касалик туфайли ўлганларнинг 70 фоизи эркаклардир. Бунга сабаб - биринчи навбатда, уларнинг чекиши, алкагол ичимликларини исътемомл этишидир. Натижада эркаклар орасида нафас йўли, жигар церрози, ошқозон- ичак, буйрак, сийдик йўли касаликлари ва бахтсиз ҳодисалар туфайли ўлим ҳоллари ҳам юқоридир.

Кейинги пайтда турли бахтсиз ҳодисалар, яъни эндоген омиллар сабабли ўлим ҳоллари бир мунча кўпайиб, уларнинг салмоғи республикада содир бўлаётган аҳоли ўлимининг 9-10 фоизини ташкил этмоқда. Ушбу сабаб билан ҳалок бўлганларнинг 80 фоизга яқини эркаклардир. Умуман ўлим ҳоллари эркаклар орасида юқорироқ бўлиб, жами аҳоли ўлимининг 72-73 фоизни ташкил этади. Шуни айтиш керакки, республикада қанддли диабет, овқатланиш, модда алмашиши тартибининг бузилиши натижасида келиб чиқадиган эндокринологик

касалликлар оқибатида ўлим ҳоллари ҳам бирмунча кўпайди. Ушбу касаллик туфайли йилига 1000-1300 киши вафот этмоқда.

Ўзбекистонда аҳоли ўлимининг хусусиятларидан бири унинг кейинги пайтларда шаҳар ва қишлоқ бўйича кескин фарқ қилишидир. Масалан, 2003 йили ўлимнинг умумий коэффиценти шаҳар аҳолиси учун эса- 6,4 фоизни ташкил этган бўлса, қишлоқ аҳолиси учун эса- 4,7 фоизни ташкил этади.


Юқорида кўрсатилган маълумотлардан кўриниб турибдики, Ўзбекистон аҳоли саломатлиги бўйича айниқса, оналар ва болалар саломатлиги учун жуда кўп муаммоларни ҳал этилиши лозимлигини тақозо этади. Ўзбекистонда аҳоли ўлими нафақат шаҳар ва қишлоқ ҳудудларида, балки вилоятларда, аҳолининг турли ижтимоий-демографик гуруҳларида ўзига хос хусусиятларга, омилларга эга.

Аҳоли такрор барпо бўлишида ўлим ҳам ҳал қилувчи омиллардан саналади. 2008 йилда Фарғона вилоятида 15,7 минг киши вафот этган. Ўлимнинг умумий коэффиценти 5,2 промиллени ташкил этди. Республикада бўлгани сингари вилоятда ҳам қишлоқ аҳолиси орасида шаҳарга нисбатан ўлим кўрсаткичи камроқ. Бунга экологик вазиятдаги ўзига хослик ҳамда шаҳар турмуш тарзи асосий сабаблардир. Келажакда вилоят қишлоқ ҳудудларида ҳам ўлимнинг умумий коэффиценти кўтарилиши кутилади. Чунки Мустақиллик йилларида туғилишнинг кескин камайиши келажакда аҳоли ёш-жинс пирамидасида қариялар салмоғининг ошишига ва бу ўлимнинг ортишига олиб келиши мумкин. Фарғона (7,1‰), Қўқон (6,3‰) сингари йирик шаҳарларда ўлимнинг умумий коэффиценти бошқа ҳудудлардан юқорилиги билан ажралиб туради. Фуркат (6,1‰) туманидан бошқа қишлоқ туманларида ўлим даражаси вилоят ўртача кўрсаткичи атрофида. Туғилиш даражасининг доимий равишда юқори бўлиши ўлимнинг умумий коэффиценти

пасайишига хизмат қилади. Худди шунингдек, туғилиш даражаси энг юқори бўлган Сўх туманида ўлим даражаси энг паст кўрсаткичга эга – 4,1‰. Бу қонуниятни Бувайда тумани мисолида ҳам кузатишимиз мумкин (4,4‰).

Фарғона вилояти ўлимнинг умумий коэффициенти

(2008 йил, 1000 кишига нисбатан)




*Манба: Фарғона вилояти статистика бошқармаси маълумотлари.

Келажақда вилоятда ўлимнинг умумий коэффициенти кўтарилиши кутилади. Чунки Мустақиллик йилларида туғилишнинг кескин камайиши келажақда аҳоли ёш – жинс пирамидасида қариялар салмоғининг ошишига ва бу ўлимнинг ортишига олиб келиши мумкин. Республикада бўлгани сингари вилоятда ҳам қишлоқ аҳолиси орасида шаҳарга нисбатан ўлим кўрсаткичи камроқ. Бунга асосий сабаб – экологик вазиятдаги ўзгаришлар, шаҳар турмуш тарзидир. Аксинча Фарғона вилояти деганда кўпчилик Фарғона (Қиргули), Қўқон (Химгородок) ва Қувасой каби sanoat районларини эмас, балки адир бўйида, ҳавоси тоза, тиниқ ариқ ва сойлар ёқасида, турли хил мева – чевалару, узумлари билан ўралган сўлим қишлоқларни тассаввур этади. Бундай экологик ва ижтимоий – иқтисодий жиҳатдан қулай қишлоқларда аҳоли ўлими албатта паст кўрсаткичга эга бўлади. Фақат антисанитария ҳолати оқибатида турли хил касалликларининг тарқалиши, ёмон турмуш тарзи каби омиллар

аҳоли ўлимига сабаб бўлади. Саноат шаҳарлари атрофидаги қишлоқларда ҳам ўлим ҳоллари юқоридир.

8 - чизма. *


Фарғона вилоятида ўлимнинг ёш-жинсий ўзгариши (2011 йил, киши ҳисобда)



*Манба: Фарғона вилояти статистика бошқармаси маълумотлари.

9 - чизма. *

Фарғона вилоятида ўлим ёш гуруҳларининг ҳудудий ўзгариши (2008 йил)




**Манба:* Фарғона вилояти статистика бошқармаси маълумотлари.

Аҳоли ёш гуруҳидаги ўлим жараёнини ўрганишда болалар ўлими, яъни бир ёшгача (0-12 ой) бўлган гўдаклар ўлими ҳам жуда аҳамиятлидир. Фарғона вилоятида болалар ўлими ҳар минг тирик туғилган болаларга нисбатан 2008 йилда 14,3% ташкил этган. Болалар ўлими кўрсаткичи йилдан йилга яхшиланиб бормоқда, бунга биринчи навбатда давлат ва халқаро ташкилотлар томонидан олиб борилаётган турли дастурлар, тадбирлар орқали эришилмоқда. Аҳоли саломатлиги масалаларида асосий эътиборни гўдаклар ўлимини камайтиришга қаратиш керак. Болалар ўлими даражаси ҳам шаҳарларда (Қўқон-19,2%, Фарғона-17,8%) бироз юқори кўрсаткичга эга, аксинча туғилиш ҳам жуда баланд бўлган Сўх (9,3%) ва Бувайда (11,5%) туманларида болалар ўлими камроқ кузатилган.

Аҳоли ўлим даражасини ўрганишда оналар ўлимини мукаммал ўрганиб бориш зарурдир. Вилоятда оналар ўлими ҳар 100 минг тирик туғилган болага нисбатан олинганда 19,3 га тенг. Бу борада Ўзбекистон туманидаги аҳвол ачинарли ҳолатдадир (127,7). Оналар ўлимига асосий сабаблардан бири уларнинг туғиш даврида турли хил касалликлар билан касалланиши, туғиш мумкин бўлмаган ҳолда туғиш каби омиллар сабаб бўлмоқда.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Фарғона вилояти ижтимоий-иқтисодий ривожланиши унинг демографик вазиятида акс этмоқда. Бу эса минтақа келажак тараққиётини белгилашда унинг демографик вазиятига, хусусан аҳоли саломатлиги масалаларига алоҳида эътибор қаратишни зарур қилиб қўяди.

Фарғона вилоятида 1 ёшгача бўлган болалар ўлими
(2012 йил, ҳар 1000 тирик туғилган болага нисбатан)



*Манба: Фарғона вилояти статистика бошқармаси маълумотлари.

2.2. Фарғона вилояти меҳнат ресурсларининг сифат кўрсаткичларини баҳолаш.

Республикамиз ҳукумати инсонни энг бебаҳо мавжудот сифатида улуғлаш ва эъзозлаш билангина чекланиб қолмасдан, бу буюк ғояни бозор муносабатларига ўтиш даври шарт-шароитларида, қонун-қоидалар, ҳаракат дастури ва уни рўёбга чиқариш усулларида ҳам тўла акс эттира олди.

Аҳоли бу ишлаб чиқарувчи, истеъмол қилувчи ҳамдир. Шунингдек аҳоли ялпи иқтисодий салоҳиятини белгилаб берувчи муҳим омиллар сирасига киради. Республикамиз аҳолиси ва меҳнат ресурслари жиҳатидан ноёб минтақалар жумласига киради. Демографик, яъни аҳоли ўсишининг ўзига хослиги мамлакатнинг регионал хусусияти бўлиб,

аҳоли ва меҳнат ресурсларининг тез суръатларда ўсаётганлиги билан тавсифланади.

Фарғона вилояти Ўзбекистоннинг қадимий маданият ўчоқларидан бири. Вилоят ҳудудидан топилган тош даври манзилгоҳлари ва қоятошларга солинган чизмалар, тош қуроллар водийда одамлар энг қадимги даврлардан бери яшаб келганлигидан дарак беради. Вилоятнинг археологик ёдгорликларини ўрганишда Катта Фарғона каналини қурилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Канални қазиб жараёнида жез даври, қулдорлик ва заминдорлик жамиятларига оид ёдгорликлар топилди ва текширилди. Қува шаҳридаги милоддан аввалги V аср ва ўрта аср бошларига оид топилмалар яхши текширилган. X-XI асрларга доир манбаларда бу шаҳар ободлиги ва катталиги жиҳатидан водийда Ахсикатдан сўнг энг йирик шаҳар деб қайд қилинган. Археологик материаллар Марғилон шаҳри асрларда катта қишлоқ бўлиб, XI-XII асрларда шаҳарга айланганлигини, Риштон эса X асрда катта шаҳар бўлса ҳам, XI-XII асрларда қишлоқ қиёфасига кириб қолганлигини исботлайди.

Ўтроқ деҳқончилик, чорвачилик билан шуғулланган Чуст маданиятига оид манзилгоҳлардан топилган ёдгорликлар Фарғона водийсини ўрганишда муҳимдир. Археологик текширишлар натижаси Фарғона вилоятида қадимдан одамлар яшаб, овчилик, деҳқончилик, чорвачилик билан шуғулланганлигидан, кишилик жамиятининг кейинги босқичларида эса маданият ривожлана бошлаганлигидан далолат беради. Вилоят табиий ресурсларга бойлиги қадимдан кишиларни ўзига жалб қилиб келар эди. Бироқ, иккинчи жаҳон урушига қадар вилоят ҳудудида яшаш шароитининг оғирлиги, медицинанинг сустривожланганлиги сабабли табиий ўсиш камайди. Туғилган чақалоқларни касалини даволовчи медицина ожиз эди, турли эпидемия касалликлари (қизамиқ, сувчечак, безгак) туфайли, айниқса ёшлар ўртасида ўлим кўп эди. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудлари каби

Фарғона вилоятида ҳам медицина равақ топди. Турли эпидемик касалликларни олди олинди, халқ турмуш тарзи яхшиланди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, янги иқтисодий шароитни шаклланиши, яъни халқ хўжалигининг барча соҳаларида бозор муносабатларининг ўлканинг ижтимоий – иқтисодий шароитларнинг маълум даражада ўзгаришига сабаб бўлди. Республика мустақил тараққиётининг дастлабки босқичида аҳоли турмуш тарзида баъзи иқтисодий ўзгаришлар содир бўлди. Давлат томонидан аҳоли ижтимоий муҳофаза этилсада, ўлкада ишлаб чиқариш муносабатларининг ўзгариши, айниқса ҳомиладорликдан сақловчи тиббий воситалар ва улар тўғрисидаги тушунчаларни халқ орасида кенг ёйилиши, аҳоли табиий кўпайишига таъсир этди.

Туғилишнинг камайиб бориши туғилаётган болаларнинг умумий сониди ҳам кузатилди. Масалан, Ўзбекистонда 1991 йил 723,4 минг чақалоқ туғилган бўлса, 2003 йил 508,5 минг, 2006 йилда эса 555,9 минг чақалоқ туғилган. Бу кўрсаткич Фарғона вилоятида қуйидаги кўринишга эга бўлган. 1992 йилда 79,3 минг чақалоқ туғилган бўлса, 2003 йилда 52,7 минг, 2006 йилда эса 59,2 мингни ташкил этган. Изланишлар ва кузатишлар шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда, жумладан, Фарғона вилоятида аҳолининг табиий ўсиш жараёнларининг юқорилиги яна бир қанча вақт давом этади.

Маълумки, аҳолининг ўсишида миграциянинг ҳам роли бўлади. Бу омилнинг ижобий таъсири айниқса кўпроқ илгари йилларга тўғри келади. Инқилобдан илгари аҳолининг табиий ўсишидан ташқари маълум даражада ташқи миграциянинг роли бўлиб, Ўзбекистонда, жумладан, Фарғона вилояти Чор Россияси томонидан босиб олингандан сўнг кучайди. Бу ерларга аввал, иш бошқарувчилар, қурувчилар, савдогарлар, харбийлар, рус мухожирлари ва бошқалар келиб ўрнаша бордилар. Бу жараён советлар даврида ҳам давом этди.

Ташқи миграциянинг роли аста-секин камайиб, кейинчалик 1990 йилларда республика, жумладан, Фарғона вилояти учун манфий натижага эга бўлган. Фарғона вилоятида 1970 йилда 36,3 минг киши келган бўлса, 29,7 минг киши чиқиб кетган, сальдо 6,6 бўлган, 1989 йил вилоятда 50,9 минг киши келган, 66,9 минг киши чиқиб кетган, сальдо -16 минг киши бўлган. 2006 йилда 11,5 минг киши келган бўлса, 14,5 минг киши чиқиб кетган. Сальдо -2936 га тенг бўлган.

Шуни таъкидлаш керакки, ташқи миграцияда кўпроқ шаҳар аҳолиси қатнашади. Ҳозир вилоятда ташқи миграциянинг роли кейинги йилларда пасайиб, аҳоли умумий ўсишида унинг роли камаймоқда.

Аҳолининг ёши ва жинсини ўрганиш илмий ва амалий аҳамиятга эгадир. Вилоят аҳолисининг ёши ва жинсий таркибини аниқ билиш меҳнат ресурсларини ҳисоблаб чиқишга ва келажакда қанча аҳоли бўлишлигини билишга ёрдам беради. Яна, жинсий ва аёллар таркибига тааллуқли маълумотларни билиш келгусида аҳолининг такрор барпо бўлишини қай даражада бўлишини олдиндан айтиб беришни аниқлашга ёрдам беради.

Фарғона вилояти аҳолисининг жинсий ёш таркиби ўзига хос хусусиятига эгадир. Инқилобдан илгариги даврларда ижтимоий-иқтисодий, тарихий ривожланиш жараёнлар билан боғлиқ ҳолда қуйидаги хусусиятларга эгадир.

Фарғона вилоятида аҳолининг табиий ўсиш юқорилиги, аҳолининг ёш таркибига катта таъсир кўрсатади. Шунинг учун вилоят аҳолиси орасида ёш болалар ва ўсмирлар салмоғининг кўплиги ва кексаларнинг камлиги билан характерлидир.

Лекин, Фарғона вилоятида 2010 йилга келиб ёш болалар ва ўсмирлар салмоғи 1989 йилга қараганда қисман камайди. Чунки кейинги йилларда вилоятда ҳам туғилиш камайди.

1990 йил маълумотларига кўра, вилоятда 2214,6 минг киши яшаган. 2000 йилга келиб вилоят аҳолиси 2697,5 минг кишига етган. 2009 йилда эса вилоятда 3074,6 минг киши истиқомат қилади. Вилоят маъмурий-ҳудудий жиҳатдан 15 қишлоқ туманларидан иборат бўлиб, аҳоли сони 1-жадвалда келтирилган.

1990 йилда вилоятда жами Республика аҳолисининг 10, 7 % истиқомат қилган бўлса, 2000 йилда 10,9 % га, 2009 йилда 11 % га тенг бўлган. 1990-2009 йиллар оралиғида вилоят аҳолиси 138,8 % га кўпайган. Аҳоли сонининг тадрижий ўсиши, хусусан Сўх, Ёзёвон, Учкўррик, Бағдод туманларида юқорироқ бўлса, Фарғона шаҳри, Бешариқ ва Ўзбекистон туманларида бу ҳолат паст кўрсаткичга эга бўлган. Бу икки туманда тадрижий ўсишнинг паст бўлишига сиёсий сабаб 1992 йилда бу икки тумандан ҳудудий ажратиб

2-жадвал

Фарғона вилояти шаҳарлари ва маъмурий туманлари аҳолиси сони (2010 йил*)

	Умумий аҳоли			Шаҳар аҳолиси			Қишлоқ аҳолиси		
	Жами	Аёллар	Эркеклар	Жами	Аёллар	Эркеклар	Жами	Аёллар	Эркеклар
Вилоят жами	2972,2	1484,4	1487,8	827,2	420,5	406,7	2145,0	1063,9	1081,1
Фарғона ш.	229,0	115,4	113,6	188,8	95,3	93,5	40,2	20,1	20,1
Қўқон ш.	215,6	110,0	105,6	215,6	110,0	105,6	-	-	-
Қувасой ш.	74,0	36,8	37,2	26,9	13,5	13,4	47,1	23,3	23,8
Марғилон ш.	196,3	99,8	96,5	196,3	99,8	96,5	-	-	-
Туманлар:									
Боғдод	168,1	83,4	84,7	13,8	7,0	6,8	154,3	76,4	77,9
Бешариқ	174,4	87,0	87,4	22,3	11,4	10,9	152,1	75,6	76,5
Бувайда	171,8	85,2	86,6	-	-	-	171,8	85,2	86,6

Данғара	139,0	69,3	69,7	10,0	5,1	4,9	129,0	64,2	64,8
Ёзёвон	81,0	40,2	40,8	11,1	5,7	5,4	69,9	34,5	35,4
Олтиарик	170,2	84,6	85,6	25,5	13,0	12,5	144,7	71,6	73,1
Риштон	160,3	80,2	80,1	32,6	16,8	15,8	127,7	63,4	64,3
Сўх	58,2	28,8	29,4	-	-	-	58,2	28,8	29,4
Тошлоқ	153,0	76,2	76,8	16,0	8,3	7,7	137,0	67,9	69,1
Учкўприк	176,3	88,1	88,2	-	-	-	176,3	88,1	88,2
Фарғона	178,8	88,8	90,0	3,9	2,0	1,9	174,9	86,8	88,1
Фуркат	94,5	46,6	47,9	-	-	-	94,5	46,6	47,9
Ўзбекистон	187,0	93,1	93,9	24,3	12,2	12,1	162,7	80,9	81,8
Қува	197,4	98,7	98,7	40,1	20,4	19,7	157,3	78,3	79,0
Қўштепа	147,3	72,2	75,1	-	-	-	147,3	72,2	75,1

* – Жадвал маълумотлари 2009 йил аҳолиси сонига нисбатан берилмоқда.

Манба: Фарғона вилояти Статистика бошқармаси маълумотлари.

олинган янги ташкил этилган Фуркат тумани туфайли юз берган.

Ҳозирги вақтда аҳоли сонига кўра энг йирик қишлоқ тумани Қува тумани бўлиб, бу ерда 2010 йил 1 январь ҳолатига кўра 207,7 минг аҳоли истиқомат қилади. Шунингдек Ўзбекистон, Фарғона, Учкўприк, Бешарик туманларида аҳоли сони 180 минг кишидан ортади. Ёзёвон, Сўх, Фуркат туманларида эса аҳоли сони 100 минг кишига ҳам етмайди.

Қишлоқ туманлари орасида ҳудудига кўра Бешарик, Ўзбекитон, Олтиарик, Фарғона туманлари ажралиб туради. Бу туманлар биргаликда вилоят ҳудудининг 40 %ини эгаллайди.


Бувайда, Сўх, Тошлоқ, Учкўприк туманлари эса майдонига кўра энг кичик туманлар бўлиб, бу тўрт туман вилоят жами майдонининг 14,9 % ини эгаллайди.

Вилоят аҳолиси зичлиги 01.01.2010 маълумоти бўйича 1 км кв га 453,4 киши тўғри келиб, республикада фақат Андижон вилоятидан кейин туради. Бу кўрсаткич Ўзбекистон ўртача зичлигидан 7,7 марта, Навоий

вилоятидан 56 марта кўпдир. Аҳоли зичлиги 1990 йилда 1 км кв га 326,6 кишига, 2000 йилда эса 397,8 кишига тенг эди. Бундай бўлишига сабаб, Фарғона вилояти иқтисодий жиҳатдан яхши ўзлаштирилган саноат ва қишлоқ хўжалиги яхши ривожланган вилоятлардан ҳисобланади.

Лекин иқтисодий- ижтимоий ва географик сабабларга кўра вилоятнинг ички қисмида аҳоли зичлиги ва жойлашуви бир хил эмас. Вилоят аҳолиси вилоят ички қисмида қуйидаги кўринишга эга.

**Фарғона вилояти шаҳарлари ва маъмурий туманлари аҳолиси сони
(2012 йил*)**



1) Аҳоли зичлиги 1 кв км га 500 кишидан ортиқ бўлган туманлар. Буларга Тошлоқ, Учкўприк, Риштон, Бувайда, Бағдод туманлари кириб, жами вилоят аҳолисининг 28 % и яшайди.

2) Аҳоли зичлиги 401-500 кишигача бўлган туманлар бўлиб, буларга Қўштепа ва Қува туманлари кириб, вилоятнинг 11,6 фоиз аҳолиси яшайди.

Юқоридаги туманлар иқтисодий жиҳатдан яхши ўзлаштирилган бўлиб, табиий шароити, табиий ресурслари бой ва хилма хиллиги, транспорт тизимининг яхшилиги аҳоли томонидан ўзлаштирилишига олиб келган.

3) Аҳолисининг зичлиги 301-400 кишига тўғри келувчи туманлар бўлиб, Данғара ва Фурқат туманлари киради. Бу туманларда вилоят аҳолисининг 7, 8 % и яшайди.

4) Аҳоли зичлиги 201-300 кишига тўғри келувчи туманлар. Бу туманлар қаторига Фарғона, Бешариқ, Олтиариқ, Сўх, Ўзбекистон, Ёзёвон туманлари киради. Жами вилоят аҳолисининг 28,7 % и шу туманларда истиқомат қилади.

Учинчи ва тўртинчи гуруҳдаги туманлар кейинги йилларда кенг иқтисодий жиҳатдан ўзлаштирилиб борилаётган туманлар бўлиб, яна бу ҳудудларда қишлоқ хўжалиги учун нобоп ҳисобланган тоғлар, адирларнинг мавжудлиги туфайли зичлиги олдинги ареалларга қараганда камроқдир.

Вилоятда урбанизация жараёни ҳам ўзига хусусиятларга эга бўлиб, вилоятнинг қайси жойларида саноат ва қишлоқ хўжалигининг қай даражада ривожланганлигига боғлиқ.

Ҳозирги кунда вилоят шаҳарларида жами вилоят аҳолисининг 58,6 % и яшайди. Бу вилоятдаги Фарғона, Қўқон, Марғилон шаҳарлари йирик шаҳар гуруҳига кириб, вилоят жами аҳолисининг 21,4 %ини ташкил этади. Вилоятда ўрта шаҳарлар мавжуд эмас. Қолган барча шаҳар ва шаҳарчаларнинг аҳолиси 50 минг кишига бормайди. Қува, Қувасой, Риштон, Яйпан шаҳарларида эса 20- 40 минг киши аҳоли яшайди.

Вилоят аҳолиси миллий таркибида ҳозирги кунда (2009 й) ўзбеклар салмоғи кўпчилиқни ташкил этиб, жами аҳолининг 88,5 % и ўзбеклардан иборат. Кейинги ўринларни тожиклар, (5,8 %), руслар (2,4 %), қирғизлар (2,1 %) эгаллайди.

Маълумотларга кўра аҳоли миллий таркибида ўзбеклар салмоғи ортиб бормоқда. Аҳоли таркибида ўзбеклар салмоғининг ортишига асосий сабаб, ўзбекларда туғилишнинг юқорилиги, умр давомийлигининг ортиши ва бошқа миллат (асосан славян гуруҳига мансуб аҳоли) вакиллари орасида туғилишнинг нисбатан камлиги ва бу миллатларнинг ўз юртларига кўчиб кетиши билан ифодаланади. Масалан 2004 йилда ўзбеклар жами аҳолининг 87,5 % ини ташкил этган эди. Ушбу йилда аҳоли салмоғида кейинги ўринларни тожиклар, руслар қирғизлар, татарлар, украинлар, қрим татарлари эгаллаган.

Аҳоли миллий таркибининг ҳудудий жиҳатларига кўра вилоят маъмурий- ҳудудий бирликлари орасида ҳам ўзбеклар салмоғи юқори бўлиб, аҳоли ҳудудий таркибида ўзбеклар салмоғи энг юқори ҳудудлар Фурқат (жами туман аҳолисининг 99, 8 % ини ўзбеклар ташкил этган), Бағдод (99, 4 %), Бешариқ (99,6 %), Бувайда (99,6 %), Данғара (99,2 %) туманлари ташкил этса, Учкўприк, Ўзбекистон, Тошлоқ, Олтиариқ, Қўштепа, Қува туманлари ва Марғилон шаҳрида аҳоли таркибида ўзбеклар салмоғи 90 % дан 99 % гача боради. Аҳоли таркибида ўзбеклар салмоғига кўра кейинги ўринларни Қўқон шаҳри (86, 7 %), Ёзёвон (81 %), Фарғона тумани (81,6 %), Фарғона шаҳри (63, 7 %), Қувасой (42, 8 %) шаҳри эгаллайди. Фақатгина Сўх туманидагина аҳоли миллий таркибида ўзбеклар салмоғи бошқа миллат вакилидан камроқ. Бу туманда 2004 йилда жами туман аҳолисининг бор - йўғи 0,1 % ини ўзбеклар ташкил этади. Чунки азалдан бу туманда тожик миллатига мансуб аҳоли яшаб келган.

Вилоят аҳолиси миллий таркибида кейинги ўринни эгалловчи тожиклар азалдан ўзбеклар билан ёнма-ён яшаб келган. Бу миллат вакиллари асосан Сўх, Риштон, Ёзёвон туманлари ва Қувасой шаҳрида истиқомат қилади. Тожиклар жами аҳоли таркибида кўпчилиқни ташкил этган минтақаларга Сўх тумани (жами аҳолисининг 99, 5 % и), Қувасой

шаҳри (31, 8 %), Фарғона (13,6 %), Ёзёвон (12,9 %) Олтиариқ (4,9 %), Қува (3,8 %) туманлари, Фарғона шаҳри (2,8 %) ҳамда Қўқон (2,1 %) ташкил этган бўлса, қолган барча туманларда аҳоли таркибида тожиклар салмоғи 1 % дан камроқни ташкил этган.

Вилоят ҳудудида яшовчи турли миллатларнинг ҳудудий таркибига эътибор берилса, ўзбек миллатига мансуб аҳолининг улуши жиҳатидан Қўқон шаҳри (жами вилоятдаги ўзбекларнинг 7,3 %), Марғилон шаҳри (7 %), Қува (7 %), Ўзбекистон (7 %) туманлари ажралиб туриб, бу ҳудудларнинг ҳар бирида вилоятдаги ўзбекларнинг 7 % дан ортиқроқ қисми яшайди.

Шаҳар аҳолисини истеъмоли қишлоқ аҳолиси истеъмолидан фарқ қилади. Шаҳар аҳолиси билан қишлоқ аҳолиси турмуш даражаси ва шароитларини бир-бирига яқинлаштиришда асосий ролни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчи кучлари ва агросаноат тармоқлари тараққиётини тез суръатлар билан ривожлантириш ва уни саноат ишлаб чиқарувчи кучлар даражасига тенглаштиришдан иборат. Ишлаб чиқарувчи кучлар кучлар тараққиёти қанчалик юқори тарзда шаклланган бўлса, мамлакат аҳолисининг моддий ва маънавий бойликлари шунчалик кўп, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси турмуш даражасидаги ижтимоий-иқтисодий ва бошқа фарқларни қисқартириш имкониятлари шунчалик кенг бўлади.

Шаҳар ва қишлоқ аҳолиси турмуш даражаси ва истеъмоли орасида асосан қуйидаги тафовутларни ажратиб кўрсатиб ўтиш мумкин.

1. Иқтисодий-ижтимоий фарқлар. Қишлоқ аҳолиси асосан қишлоқ хўжалиги билан кун кечирса, шаҳар аҳолиси эса аксинча саноат корхоналари ва бошқа ижтимоий соҳаларда меҳнат қилади. Натижада эса пул даромадлари ва истеъмол орасида фарқлар вужудга келади. Масалан, қишлоқ аҳолиси озиқ-овқат маҳсулотларининг асосий қисмини (асосан мева, сабзавот, полиз экинлари ва бошқалар) ўз хўжалигида етиштирса, шаҳар аҳолиси бу маҳсулотларни кўп ҳолларда сотиб олади.

2. Маданий-маиший тафовутлар. Бунга шаҳар ва қишлоқ аҳолиси турмуш даражаси, маданияти ўртасидаги, аҳолига хизмат кўрсатувчи турли маданий-маиший ва коммунал хизмати даражасидаги, шунингдек, билим даражасидаги фарқлар киради.

Юқоридаги тахлиллардан кўриниб турибдики Фарғона вилояти аҳолисини тахлил этиш ўзига хос тадқиқотни талаб этади. Мақсад юзасидан келиб чиқиб юқоридаги тахлиллар етарли деб ҳисоблаймиз.

2.3. Вилоят аҳолиси динамикасининг айрим хусусиятлари ва уларни оптималлаштириш йўналишлари.

“Табиат–аҳоли - хўжалик” учлик тизимида аҳоли марказий ўринда туради. У табиатга таъсир қилади, ундан олади, фойдаланади, хўжалигини ташкил этади ва ўз ҳаётини кечиради. Табиат, аҳоли ва хўжаликнинг ўзаро муносабати умумгеографик ва, айни вақтда, геоэкологик вазиятни юзага келтиради. Шу сабабдан ҳам бу “учлик” география фанида олиб борилаётган тадқиқотларда муҳим методологик аҳамият касб этади.

Фарғона водийси, жумладан Фарғона вилоятида табиат, аҳоли ва хўжалиги пирамида шаклида тасвирланса, табиати “юпка” ва нозик, демографик юки катта, хўжалиги ўртача кўринишга эга бўлади¹. Аҳоли ва хўжаликнинг биргаликдаги таъсири ўзига хос зўриқиш, кучли антропоген босимни келтириб чиқаради. Минтақанинг асосий ижтимоий географик муаммоси ҳам ана шу босимни енгиллаштириш, аҳоли ҳаёти ва фаолияти учун тегишли шарт - шароитлар яратишдан иборат бўлмоғи лозим. Сабаби, айнан демографик босим, ер - сув захираларининг етишмаслиги, озлиги минтақа ижтимоий - иқтисодий ривожланишида янгича, замонавий, индустриал - инновацион ривожланиш стратегияси ва йўналишларини тақозо этади.

Вилоятда аҳоли ўсиш суръати ўртача даражада, кишлоқ туманларидаги 1989 - 2010 йиллардаги ўсиш кўрсаткичлари эса 11.1 - жадвалда келтирилган. Кўрилаётган икки ўн йиллик давр мабойнида энг юқори ўсиш даражаси Қува, Ёзёвон ва Олтиариқ туманларида қайд этилади. Шу билан бирга, Фарғона, Бешариқ, Риштон, Охунбобоев ва Ўзбекистон туманларида аҳолининг ўсиши нисбатан пастроқ бўлган.

¹ Фарғона вилоятининг республикамиздаги улуши, юқорида таъкидланганидек, майдони бўйича 1,5 %, аҳолиси 11,0 % ва ялпи ички маҳсулотда – 7,5 % (2009 й.).

Бешариқ ва Риштон туманларида бундай вазият асосан уларнинг таркибидан янги маъмурий бирликларни ажралиб чиқиши – Фурқат ва Сўх туманларининг ташкил этилиши туфайли юзага келган.

Фарғона вилояти республикамизда аҳолиси ўта зич жойлашган минтакалардан бири ҳисобланади. Бу ерда ҳар бир кв км майдонга 455 киши тўғри келади. Бу ҳам демографик босимнинг юқорилигидан дарак беради. Бу хусусда айниқса, Бувайда (639 киши), Учкўприк (655 киши) ва Тошлоқ (659 киши) кескин ажралиб туради. Шу сабабдан мазкур туманларда ер майдонининг танқислиги яққол кўзга ташланади. Бу эса, ўз навбатида, етарли иш ўринларнинг озлиги туфайли, ички ва ташқи миграцияни зарурият қилиб қўяди. Зичлик кўрсаткичи энг паст Ёзёвон туманида – 112 киши. Бироқ бу даража республика ўртача кўрсаткичидан деярли икки марта зиёд. Ёзёвон Фарғона вилоятининг чўл ҳудудларини ўзлаштириш асосида вужудга келган тумандир. Тоғли Сўх туманида ҳам, маҳаллий нуқтаи назардан қараганда, аҳоли зичлиги пастроқ (198 киши).

Умумдемографик салоҳиятига қараганда фақат Қува туманида аҳоли сони 200 мингдан ортиқроқ. Ваҳоланки, Қашқадарё, Андижон, Самарқанд вилоятларида бундай аҳоли сонига эга қишлоқ туманлари кўпроқ. Вилоят аҳолисининг миллий таркибини ўзбеклар 88,1 %, тожиклар 5,9 фоиз, шунингдек бошқа миллат вакиллари ташкил қилади. Ўзбеклар барча шаҳар ва қишлоқ туманларида, тожиклар асосан Сўх туманида яшашади. Рус ва умуман ғайри маҳаллий миллатлар Қўқон ва, айниқса Фарғона шаҳарларида кўпроқ.

Аҳоли сони тўлиқ унинг табиий кўпайиши негизида кўпайиб бормоқда. Туғилиш бошқа вилоятларда кузатилганидек, бу ерда ҳам аста-секинлик билан кўтарилиш тенденциясини намоён қилмоқда. Бизнинг таҳлилларга кўра, бу жараён мамлакатимизда 2006 йилда бошланган бўлиб, у аҳолининг демографик таркиби, унинг такрор барпо бўлиш хусусиятлари билан изоҳланади. Қизиғи шундаки, республикамизда

барқарор иқтисодий ривожланиш асосан 1996 йилдан бошланган бўлса, демографияда бу давр ёки бурилиш ўн йил кейин юзага келди.

2009 йилда Фарғона вилояти бўйича туғилиш ҳар минг кишига 22,7 промиллени ташкил қилган (республика даражасидан юқори). Қайд этиш лозимки, мазкур кўрсаткич Бешариқ ва, айниқса Сўх туманида анча юқори; 25,7, ва 33,6 ‰ (3-жадвал).

3-жадвал

Фарғона вилояти аҳолисининг табиий ҳаракати ва миграцияси
(ҳар минг аҳолига нисбатан, 2009 й.)

т/р	Шаҳар ва туманлар номи	Табиий ҳаракат			Аҳоли миграцияси		
		туғилиш	ўлим	табиий кўпайиш	келган лар	кетган лар	миграция қолдиғи
	Марғилон	21,7	5,2	16,5	3,4	5,6	-2,2
	Фарғона	19,0	6,1	12,9	13,2	12,7	0,5
	Қувасой	20,8	4,8	16,0	4,0	5,0	-1,0
	Қўқон	21,5	6,0	15,5	5,5	7,5	-2,0
	туманлар:						
1	Бешариқ	25,7	4,7	21,0	2,7	3,4	-0,7
2	Боғдод	24,3	4,2	20,1	3,3	2,9	0,4
3	Бувайда	24,0	3,9	20,1	3,0	2,9	0,1
4	Данғара	24,2	5,2	19,0	2,2	3,1	-0,9
5	Ёзьявон	24,7	4,0	20,7	4,0	2,3	1,7
6	Олтиариқ	21,8	4,0	17,8	0,6	2,0	-1,4
7	Охунбобоев	23,2	4,5	18,7	1,9	3,2	-1,3
8	Риштон	22,2	4,5	17,7	2,6	3,9	-1,3
9	Сўх	33,6	4,0	29,6	0,8	0,7	-0,1
10	Тошлоқ	22,2	4,6	17,6	4,4	4,4	0,0
11	Учкўприк	23,5	4,5	19,0	3,8	3,0	0,8
12	Фарғона	19,6	4,3	15,2	2,2	3,3	-1,1
13	Фурқат	22,7	5,7	17,0	0,7	3,4	-2,7
14	Ўзбекистон	24,0	5,3	18,7	5,3	3,4	1,9
15	Қува	21,1	4,7	16,4	4,7	5,0	-0,3
	Вилоят	22,7	4,8	17,9	4,0	4,5	-0,5

Жадвал А.С.Солиевнинг “Ўзбекистон ҳудудлари ижтимоий-иқтисодий ривожланиши” монографияси маълумотларидан олинди.

Геодемографик вазиятнинг мамлакат миқёсида таҳлили туғилишнинг айнан тоғли ёки тоғ олди ҳудудларда жойлашган

туманларда кўплигини кўрсатади (Чирокчи, Нуробод, Қўшробот, Бойсун, Сариосиё туманларидаги ҳолат шунга яқин ёки шу даражада). Сўхда туманида 2000 йилда ҳам энг юқори туғилиш коэффиценти кузатилган - 24,7 %. Туғилиш шаҳар жойларнинг баъзиларида 2008 - 2009 йилларда бирмунча пасайган. Масалан, у Фарғона шаҳрида 19,5 дан 19,0 промиллега, Марғилонда 22,4 дан 21,7 га тушган. Агар Фарғона шаҳрида туғилиш “урбанистик муҳит” га хос бўлса, Марғилонда у анча юқори, ҳатто Фарғона (19,6 %) ва Қува туманларидан (21,1 %) олдинда.

Аҳолининг табиий кўпайиш географиясини унинг туғилиш даражасидаги ҳудудий тафовутлар белгилаб беради. Бинобарин, ушбу кўрсаткич Сўх, Бешариқ, Ёзёвон, Боғдод, Бувайдада юқори, Олтиариқ, Фарғона, Фурқат ва Қува қишлоқ туманларида биров пастроқ.

Юқорида таъкидланганидек, аҳоли зич, унинг нисбий ва мутлоқ кўплигидан миграция ҳам келиб чиқади. Фарғона вилояти бу қоидадан мустасно эмас. Сўнги йилларда ташқи миграция минус 0,5 - 0,6 промиллени ташкил қилган. Агар бу кўрсаткич, аҳоли табиий кўпайиши, яъни 22,7 дан олиб ташланса, у ҳолда ҳақиқий демографик ўсиш 22,2 промилле ёки 2,2 фоизга тенг бўлади. Бу, албатта, анча юқори кўрсаткич ҳисобланади. Салбий миграция айниқса Фурқат туманида (минус 2,7 %) ҳамда Марғилон (-2,2 %) ва Қўқон (минус 2,0 %) шаҳарларида кўпроқ, Сўх ва Қува туманларида озроқ, Тошлоқда деярли йўқ, Ўзбекистон, Учкўприк, Ёзёвон, Бувайда ва Боғдодда ижобий.

Аслини олганда, аҳолининг миллий таркибидан келиб чиқиб, Фарғона шаҳрида ташқи миграция кучлироқ бўлиши мумкин эди. Эҳтимол, олдинги йиллардаги катта миграцион “йўқотиш” бу шаҳарда тўхтади ва унинг миграция ресурси ёки имконияти анча пасайди. Марғилон шаҳридаги бундай вазият тасодикий эмас, чунки дунёнинг кўпгина мамлакатларида иқтисодий муаммолар (бу марказлар “моношаҳарлар”, яъни бир соҳага тор ихтисослашган ҳисобланади)

туфайли ана шундай демографик ҳолат кузатилади. Ўзимизнинг кўмирчилар шахри – Ангренда ҳам шунга ўхшаш жараёнлар кечмоқда. Демак, бундай саноат марказларида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, функционал таркибини диверсификациялаш зарур.

Вилоятнинг ҳудудий - урбанистик таркиби яхши ривожланган; бу ерда 3 та катта, яъни ҳар бирининг аҳолиси 100 минг кишидан ортиқ бўлган шаҳарлар мавжуд: Фарғона (190 минг киши), Қўқон (210 минг), Марғилон (173 минг киши). Бундай “триоград” республикамизда фақат Тошкент вилоятида бор, холос - Чирчиқ, Ангрен ва Олмалиқ. Бироқ, пойтахт вилоятига таққослаганда Фарғонада ўрта бўғин шаҳарлар тизими ривожланмаган. “Элликминглик” шаҳар вилоятда умуман йўқ; Қува шаҳрида 40 минг, Риштонда 33 минг, қолганларида аҳоли сони бундан кам. Кичик шаҳар ва шаҳарчалар сони 2009 йилда янада кўпайди, демак, урбанистик таркиб майдалашди, кичик шаҳарлар муаммосининг долзарблиги янада кучайди. Шу йилда бирданига 196 та қишлоқларга янги шаҳарча мақоми берилди, бундай бетакрор урбанистик ҳолат бўйича республикамизда вилоят биринчи ўринда туради. Маълумки, Ўзбекистонда жами 966 та янги шаҳарчалар - агрошаҳарлар вужудга келган бўлса, уларнинг ҳар бештадан биттаси (1/5 қисми) айнан биргина Фарғона вилояти харитасида пайдо бўлган.

Ҳозирги вақтда вилоятда 9 та шаҳар 206 та шаҳарчалар бор (шаҳар жойлар сони бўйича республикамизда биринчи ўринда) ва уларда жами аҳолининг 58,8 фоизи истиқомат қилади. Бу кўрсаткич атиги бир йил олдин 27,8 фоизга тенг эди, ва бу борада вилоят Хоразм, Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд вилоятларидан олдинда турган эди, холос. Энди эса Фарғона умумий урбанизация даражаси бўйича Наманган вилоятидан кейинги иккинчи ўринга “сакради”. Янги шаҳарчаларнинг энг кўпи Ўзбекистон (21 та), Фарғона ва Боғдод (20 тадан) туманларида қайд этилади. Уларнинг сони Қува, Охунбобоев ва Олтиариқда ҳам кўпроқ.

Аҳоли сони бўйича эса Фарғона ва Олтиариқ туманлари олдинда.

Янги шаҳарчалар Фарғона ва Қувасой шаҳар ҳокимиятларида ҳам ташкил этилган. Таъкидлаш жоизки, Охунбобоев, Бувайда, Учкўприк ва Фурқат туманларида 2008 йилда бирорта шаҳар ёки шаҳарча бўлмаган. Бинобарин, уларнинг ҳозирги урбанистик вазияти айнан 2009 йилнинг “янги урбанистик сиёсати” натижасида вужудга келган (4 - жадвал).

Янги шаҳарчаларнинг ҳар бирини аҳолиси Олтиариқ туманида кўп - 16,9 минг киши; Фарғона шаҳар ҳокимиятига қарашли шаҳарчалар ҳам анча каттароқ - 13,4 минг киши. Ўртача ҳар бир янги шаҳарчага 4786 кишидан тўғри келади. Улар орасида энг катталари Фарғона шаҳрига қарашли Бешбола, Ёрмозор, Оқариқ, қишлоқ фуқоролар йиғинлари; қишлоқ туманлари миқёсида Олтиариқ туманида Олтиариқ (13108 киши), Эскиараб (14200), Полосон (13831), Янгикўрғон (14769); Бувайда туманида Бекобод (15500), Бувайда (14853), Янгикўрғон (18335); Фарғона туманида Водил (18786), Ҳонқиз (11324), Ёзёвонда - Қоратепа (11843 киши) ва ҳ.к.

Фарғона вилоятида ҳозирги вақтда жами 993 қишлоқ аҳоли пунктлари мавжуд, уларнинг ҳар бирида ўртача 1255 киши яшайди. 2008 йилда эса бу рақамлар, мос ҳолда, 1189 ва 1804 кишига тенг бўлган.

Вилоят қишлоқлар географияси ўзига хос ва бетакрор; ажойиб ва ғалати номли қишлоқлар каналлар, сой ва йўллар бўйларида занжирсимон, йирик шаҳарлар атрофида уларга “ёпишиб” жойлашган. Қадимдан кўп қўл меҳнати талаб қилувчи суғорма деҳқончилик бу ерда катта - катта қишлоқларга ҳаёт бағишлаган.

Аҳоли пунктларининг ғуж жойлашиши шаҳарларнинг мураккаб ҳудудий тизими - агломерациялар шаклланишига олиб келган. Вилоят

Фарғона вилояти янги шаҳарчаларининг ҳудудий таркиби.

т/р	Қишлоқ туманлари	Сони		аҳолиси (2009 й.)		1. 01. 2008 йилда	
		сони	фоизда	минг киши	фоизда	жами қишлоқ аҳолиси, минг киши	шундан аҳолисининг янги шаҳарчалардаги улуши, %
1	Бешариқ	10	5,1	42,3	4,5	151,1	27,8
2	Боғдод	20	10,2	77,4	8,3	154,3	50,2
3	Бувайда	10	5,1	97,6	10,4	171,8	56,8
4	Данғара	8	4,1	22,7	2,4	129,0	17,5
5	Ёзёвон	8	4,1	41,9	4,5	69,9	59,9
6	Олтиариқ	13	6,6	106,2	11,3	144,7	73,4
7	Охунбобоев	14	7,2	63,2	6,7	147,3	42,9
8	Риштон	13	6,6	74,9	8,0	127,7	58,6
9	Сўх	7	3,6	38,8	4,1	58,2	66,7
10	Тошлоқ	9	4,6	24,1	2,6	137,0	17,6
11	Учкўприк	11	5,6	33,7	3,6	176,3	19,1
12	Фарғона	20	10,2	119,8	12,8	174,9	68,5
13	Фурқат	8	4,1	22,7	2,4	94,5	24,0
14	Ўзбекистон	21	10,7	63,2	6,7	162,7	38,8
15	Қува	15	7,7	53,4	5,7	157,3	33,9
	Фарғона шаҳар ҳокимияти	3	1,5	40,2	4,3	40,2	100,0
	Қувасой шаҳар ҳокимияти	6	3,0	15,8	1,7	47,1	33,5
	Жами	196	100	938,0	100	2145,0	43,7

Жадвал А.С.Солиевнинг “Ўзбекистон ҳудудлари ижтимоий-иқтисодий ривожланиши” монографияси маълумотларидан олинди.

аҳолиси ва иқтисодиёти энг аввало Фарғона - Марғилон, шунингдек, вужудга келаётган Қўқон агломерациясида мужассамлашган.

Вилоятнинг катта бойлиги - бу унинг меҳнат ресурсларидир. 2010 йил 1 январ маълумотига кўра, жами меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли 1711 минг киши, иқтисодий фаол аҳоли 1384,1 минг ва иқтисодиётда банд бўлганлар 1311,7 минг киши.

Жами банд бўлганларнинг 66,2 % моддий ишлаб чиқаришда, жумладан: саноатда - 15,0 % (2000 йилда - 13,7 %), қишлоқ ва ўрмон хўжалигида - 28,2 % (41,9 %), транспорт ва алоқада - 2,7 %, қурилишда - 6,4%, савдо, умумий овқатланиш, моддий техник таъминотда - 9,0 % аҳоли хизмат қилади.

Номоддий соҳаларга 33,8 фоиз иқтисодиётда банд бўлганлар тўғри келади; уй хўжалиги ва аҳолига маиший хизмат кўрсатишда 3,7 %, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминотда 8,0 %, таълим, маданият, санъат, фан ва илмий хизматда 13,1 % аҳоли банд (2009 й.).

2009 йилда вилоятда жами 90050 янги иш ўринлари яратилган. Уларнинг асосий қисми қишлоқ жойларда ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда ташкил этилган.

Хулоса

Ушбу битирув малакавий ишида Фарғона вилоятининг мустақилликдан кейинги йилларда аҳоли сонининг ўсишидаги ҳудудий фарқлар, туғилиш ва ўлим жараёнлари, янги ташкил этилган шаҳарчаларнинг демографик ҳолати каби ҳолатлар таҳлил этилди. Давлат статистика нашрлари томонидан олинган маълумотларга асосланиб, вилоятнинг қўрилган йиллардаги аҳоли ўзгаришларидаги фарқлар ҳисоблаб чиқилди. Бу эса вилоят аҳолисининг ҳудудий тафовутларини, туғилиш ва ўлим жараёнларининг тафовутларини, ва айниқса мавжуд демографик муаммоларни алоҳида олинган минтақада тадқиқ этиш қўидаги илмий натижаларни олиш, илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш ва умумий хулосалар бериш имконини яратди:

1. Республикамизда хусусан Фарғона вилоятида ва шаҳарларида ҳам аҳоли сонининг ўсиши сўнгги йилларда пасаймоқда. Аҳолининг кўпайиши тўла-текис унинг табиий ҳаракати натижаси асосида юзага келмоқда. Аҳоли табиий кўпайиши ва унинг туғилиш даражасидаги ўзгаришлар (қисқариб бориш ҳолати) вилоятимизда шаҳар, қишлоқ ва туманлар бўйича турлича кузатилади. Шаҳар ва қишлоқ ўртасида аҳоли табиий ҳаракатидаги тафовутлар сақланиб қолмоқда. Шунингдек, бунга иқтисодиётдаги ўзгаришлар ўз таъсирини кўрсатмоқда.

2. Ўтиш даври демографик жараёнларида ҳудудий тафовут борган сари кучайиб боради; шаҳарлар ва қишлоқ жойлари, вилоят ва туманлари орасидаги фарқнинг катталашиб бориши қайд этилмоқда. Бундай хулосани аҳоли табиий ҳаракати-туғилиш, ўлим ва табиий кўпайиш кўрсаткичларини вилоят, қишлоқ туманлари, алоҳида қишлоқ фуқаролар йиғини ва ҳатто қишлоқ аҳоли манзилгоҳлари даражасида амалга оширилган ўрганишлар натажалари асослаб беради.

3. Фарғона вилояти-аҳоли туғилиш даражаси юқори бўлган вилоятлар гуруҳига киради. Бироқ, бу ерда туғилиш кўрсаткичининг пасайишидаги ҳолат бошқа вилоятларга нисбатан катта бўлмаган тебранишга эга; шаҳар аҳолисида эса туғилиш даражасининг пастлиги бўйича айрим вилоятлардан,

жумладан, Тошкент шаҳри, Тошкент ва Бухоро вилоятларидан алоҳида ажралиб туради.

4. Вилоятнинг ер ресурсларига бой, суғорма деҳқончилик ривожланган ҳудудларида табиий кўпайиш даражаси юқори; аҳолиси зич яшайдиган майдонининг катта қисми чўлларга тўғри келадиган туманларда табиий кўпайиш кўрсаткичи биров паст.

5. Вилоятда аҳоли бандлиги муаммосини ҳал этишда урбанизация даражасини кўтариш ва миграция жараёнларидан фойдаланиш, бунинг учун йирик қишлоқларга саноатни олиб кириш ва уларга шаҳар макомини бериш, кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш, фаол демографик сиёсат юритиш каби таклиф ва мулоҳазалар вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. КАРИМОВ И.А. Биздан озод ва обод ватан қолсин. Том 2. –Т.: Ўзбекистон, 1996. - 380 б.
2. КАРИМОВ И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. -326 б.
3. КАРИМОВ И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Т.: Ўзбекистон, 2011. -318 б.
4. АКРАМОВ З.М. Фарғона водийси -Т.: УзР ФА.наширёти, 1957.-86 б.
5. АТА-МИРЗАЕВ О.Б., КАЮМОВ А. Народнонаселения Узбекистана: демографическая ситуация, политика, экология. Журнал «Экономика и статистика», № 5, 1996. С.48-52.
6. АҲМАДАЛИЕВ Ю.И. Ердан фойдаланишни ҳудудий ташкил этиш ҳақида. // ФДУ. «Илмий хабарлар».- Фарғона, 1998. -№1. -Б. 141-143.
7. АҲМАДАЛИЕВ Ю. И.Ер ресурсларининг экологик – хўжалик ҳолатини баҳолаш // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги.-Тошкент, 2000.- №1.-Б. 53-55.
8. АҲМАДАЛИЕВ Ю.И Фарғона водийси ерларининг тупроқ-экологик ҳолатини баҳолаш. // Ўзбектстон география жамияти ахбороти.- Тошкент, 2005. - 26-жилд. –Б. 16-20.
9. АҲМАДАЛИЕВ Ю.И. Ер ресурсларидан қишлоқ хўжалигида фойдаланишнинг ҳудудий ташкил этилишини такомиллаштириш (Фарғона водийси мисолида) География фанлари докторлиги улиш учун ёзилган диссертация.Тошкент.: ЎзМУ 2007-329 бет.
10. БЎРИЕВА М.Р. Ўзбекистонда туғилиш ва унга таъсир этувчи омиллар // Ўзбекистон аҳолиси ва меҳнат ресурслари.-Т., 1992. Б. 26-37
11. БЎРИЕВА М.Р. Ўзбекистонда оила демографияси.-Т.: Университет, 1997.-181 б.

12. МАҚСУДОВ А. Ўзбекистон тупроқлари.- Фарғона: ФДУ,
1996. -75 б.
13. НИГМАТОВ А.Н. Геоэкологические аспекты заовраженности и техногенной нарушенности земель Узбекистана. -Т.: Изд.НУУз,
2005. - 240 с.
14. СОЛИЕВ А. Иқтисодий ва ижтимоий географиянинг долзарб масалалари. (мактаб ўқувчилари ва талабалар учун тавсиялар)- Т.: РТИИМ. 1995. -52 б.
15. СОЛИЕВ А., КОМИЛОВА Н. Тиббиёт географияси.-Т.: Истиклол,
2005.-160 б.
16. СОЛИЕВ А., БЎРИЕВА М., НАЗАРОВ М., Мухамедов О. ва б. Қишлоқ жойлар демографияси.-Т.: ЎзМУ, 2005.-139 б.
17. СОЛИЕВ А., НАЗАРОВ М., ҚУРБОНОВ Ш. Ўзбекистон ҳудудлари иқтимоий-иқтисодий ривожланиши. Тошкент – 2010. 348 б.
18. МУХАМЕДОВ О.Л. Аҳоли табиий ҳаракатининг географик жиҳатлари.-Ўзбекистон география жамияти Ахбороти, 26-жилд-Т., 2005. 92-94 б.
19. МЎМИНОВ Д. Қишлоқ жойларнинг геоэкологик - хўжалик ҳолати ва уни оптималлаштириш йўллари (Фарғона вилояти мисолида). География фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент.: УзГидроМет 2012-161 бет.
20. Интернет маълумотлари: WWW.IZDATGEO.RU; WWW.GOOGLE.UZ;
WWW.NATIONAL.GEOGRAPHICAL.COM

И Л О В А Л А Р



МУНДАРИЖА	
Фарғона вилояти аҳолисining 1991-2012 йиллардаги ўсиш динамикasining хусусиятлари	
Кириш.....	3
I-Боб. Аҳоли динамикasini ўрганишнинг назарий ва амалий жиҳатлари.....	6
I.1. Аҳоли ўсишини ўрганишнинг амалий аҳамияти.....	6
I.2. Фарғона вилояти аҳолиси, унинг таркиби ва жойлашуви.....	11
II-Боб. Фарғона вилоятида аҳолисining 1991-2012 йиллардаги динамикasи хусусиятлари.....	19
II.1. Вилоят аҳолисining туғилиш ва ўлим кўрсаткичларини баҳолаш.....	19
II.2. Фарғона вилояти меҳнат ресурсларининг сифат кўрсаткичларини баҳолаш.....	34
II.3. Вилоят аҳолиси динамикasining айрим хусусиятлари ва уларни оптималлаштириш йўналишлари.....	46
Хулоса.....	54
Фойдаланилган адабиётлар.....	56

Мавзунинг долзарблиги. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда амалга оширилган иқтисодий ислохотларнинг барча босқичларида аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириши бош мақсад қилиб қўйилмоқди. Шаҳар ва қишлоқ аҳолиси фаровонлигини оширишга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Айниқса бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таклифига мувофиқ 2009 йилнинг “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” деб аталиши, узоқ муддатга мўлжалланган махсус Давлат дастурининг ишлаб чиқилиши ва тасдиқланиши, уни жадал амалга оширишнинг бошлаб юборилиши қишлоқлар қиёфасини ва иқтисодиётини тубдан ўзгартириш даврини бошлаб берди. Шунингдек, шаҳар манзилгоҳларининг босқичма-босқич реконструкция қилинаётганли ҳам шаҳар аҳолисining фаровонлигини янада ошириш, мавжуд аҳолининг турмуш шароитларини яхшилашга қаратилгандир.

Аҳоли кўпгина ижтимоий ва табиий фанларнинг ўрганиш объекти ҳисобланади. Жумладан, анатомия, инсон организмнинг тузилиши ва биологик хусусиятларини ўрганса, психология фани - инсон руҳиятини тадқиқ этади. Этнография алоҳида миллатларнинг урф-одатлари, қадриятларини, аҳоли географияси эса, аҳоли ва аҳоли манзилгоҳларининг таркиби, сони ва жойлашувидаги ҳудудий фарқларни ва бу фарқларни вужудга келтирувчи омилларни ўрганади.

Шунингдек аҳолини ўрганувчи фанлар тизимига демография, социология, фалсафа, жамиятшунослик, тарих, статистика, экология, иқтисодиёт каби фанларни киритиш мумкинки. Буларнинг ҳаммаси биргаликда аҳолишунослик фанлари тизимини ташкил этади.

Аҳоли доимий ҳаракатда бўлганлиги учун уни ўрганишни мунтазам амалга оширишни тақозо этади. Шу мақсадда республикамиз ҳудудларида аҳолини қайд этувчи бюролар ташкил этилган.

Фарғона вилояти аҳолиси ҳам республикада сон жиҳатдан олдинги ўринларни эгаллайди. Ҳудуднинг суғорма деҳқончилик тараққий этган минтақада жойлашганлиги, қишлоқ хўжалик имкониятларининг юқорилиги бу ерда доимий аҳоли сонининг ортишига олиб келган.

Демографик ўтиш жараёни босқичма-босқич содир бўлди. Муттаҳассислар томонидан демографик ўтиш **тўрт босқичга** ажратилди.

Биринчи босқич. Бу босқич ривожланган мамлакатларда XX аср ўрталарида кузатилди. Унда аҳоли ўртасида туғилиш ва ўлим ҳоллари камая бошлади. Лекин ўлим туғилишга қараганда жуда тез суръат билан камайдди. Баъзи давлатларда эса туғилиш деярли камаймайди. Натижада аҳолининг табиий ўсиши жуда юқори даражада бўлади.


Иккинчи босқич. Ўлимнинг камайиши жараёни давом этади ва камайиши энг кульминацион нуқтага етади. Туғилишнинг камайиш суръати эса жадаллашади. Натижада, аҳоли табиий ўсиши секинлаша боради.

Учинчи босқич. Ушбу босқичда юқори босқичларда рўй берган туғилишни ва ўлимни камайиши, аҳоли ўртача умр кўриши муддатини узайиши натижасида аҳоли таркибида қариялар салмоғи кўпайиб боради. Бу ҳол ўлим ҳолатини кўпайиб боришига олиб келади. Туғилиш яна ҳам камайиб боради ва оддий аҳоли тақрор барпо бўлиши содир бўлади. Яъни нетто коэффициент 1 га тенглашади. Бошқача қилиб айтганда. Ҳар бир она ўз ўрнига фақат биттадан қизни-бўлажак онани қолдиради ҳолос. Бу босқичда аҳоли ёш таркибида стабиллашув тўлиқ кузатилмайди. Аҳоли таркибида ўлим ҳоллари кам бўлган гуруҳ-ёшлар салмоғи нисбатан баланд бўлади.

Тўртинчи босқичда ўлим ҳоллари юқори даражада бўлади. Ўлим ва туғилиш коэффициентлари тенглашади. Демографик стабиллашув жараёни тугалланади.

Дунёдаги қатор ривожланган давлатлар XX асрнинг 80 йилларида учинчи босқичнинг тугалланиш даврига ўтганлиги кузатилади. Шу даврда, кўпгина ривожланган давлатлар эса демографик ўтиш биринчи босқичнинг охириги ва иккинчи босқичнинг бошланиш давридадирлар.

1 - чизма. *
Фарғона вилояти доимий аҳолисининг тадрижий ўзгариши (йил боши бўйича, минг киши)



МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ АҲОЛИСИНING СОНИ, ЖОЙЛАШИШИ ВА ЙИЛЛИК КЎПАЙИШИ.


Йиллар	Умуми й сони, минг киши	Шаҳар аҳолиси минг киши	Қишлоқ аҳолиси минг киши	Урбаниза ция даражаси Фоизда	йиллик кўпайи ш, фоизда
1991 й	2214,6	686,2	1528,4	31,0	1,7
1992 й	2270,4	693,6	1576,8	30,5	2,5
1993 й	2326,0	708,8	1617,2	30,5	2,4
1994 й	2386,1	718,0	1668,1	30,1	2,5
1995 й	2432,6	718,1	1714,5	29,5	1,9
1996 й	2487,6	726,6	1761,0	29,2	2,2
1997 й	2537,9	735,4	1802,5	29,0	2
1998 й	2585,9	753,2	1832,7	29,1	1,8
1999 й	2627,3	766,6	1860,7	29,2	1,6
2000 й	2664,4	776,1	1888,3	29,1	1,4

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ АҲОЛИСИНING СОНИ, ЖОЙЛАШИШИ ВА ЙИЛЛИК КЎПАЙИШИ.


Йиллар	Умуми й сони, минг киши	Шаҳар аҳолиси минг киши	Қишлоқ аҳолиси минг киши	Урбаниза ция даражаси Фоизда	йиллик кўпайи ш, фоизда
1991 й	2214,6	686,2	1528,4	31,0	1,7
1992 й	2270,4	693,6	1576,8	30,5	2,5
1993 й	2326,0	708,8	1617,2	30,5	2,4
1994 й	2386,1	718,0	1668,1	30,1	2,5
1995 й	2432,6	718,1	1714,5	29,5	1,9
1996 й	2487,6	726,6	1761,0	29,2	2,2
1997 й	2537,9	735,4	1802,5	29,0	2
1998 й	2585,9	753,2	1832,7	29,1	1,8
1999 й	2627,3	766,6	1860,7	29,2	1,6
2000 й	2664,4	776,1	1888,3	29,1	1,4

Фарғона вилоятида аҳоли зичлиги 1 км кв га 447,1 кишини ташкил этгани ҳолда, бу кўрсаткич бўйича республикамизда фақат Андижон вилоятидан кейин туради. Туманлар ичида аҳолиси энг зич жойлашган Учкўприк туманидир. Бу туманда аҳоли зичлиги 1 км.кв.га 653,4 кишини ташкил этади (2009 йил 1 январь ҳолатига). Аҳоли зичлиги бўйича туманлар ичида кейинги ўринларда Тошлоқ – 639,5 ва Бувайда тумани – 628,3 киши туради. Аҳоли зичлиги кўрсаткичлари вилоятнинг Марказий Фарғона ва тоғ-адир минтақаларида жойлашган туманларда камроқ. Масалан, Ёзёвон туманида 205,1, Сўх туманида – 270,1 киши, яъни бу туманларда аҳоли зичлиги вилоят даражасидан анча паст кўрсаткичга эга. Вилоят аҳолисининг ҳудудий жойлашувини қуйидаги диаграммадан аниқ кўриш мумкин.


Фарғона вилояти аҳолисининг ҳудудий жойлашуви
(01.01.2011 й. минг киши ҳисобида)



Фарғона вилояти аҳолисининг ёш-жинс пирамидаси



Фарғона вилояти туғилишнинг умумий коэффиценти
(2011 йил, 1000 кишига нисбатан)



➤ Хулоса

- Ушбу битирув малакавий ишида Фарғона вилоятининг мустақилликдан кейинги йилларда аҳоли сонининг ўсишидаги ҳудудий фарқлар, туғилиш ва ўлим жараёнлари, янги ташкил этилган шаҳарчаларнинг демографик ҳолати каби ҳолатлар таҳлил этилди. Давлат статистика нашрлари томонидан олинган маълумотларга асосланиб, вилоятнинг кўрилган йиллардаги аҳоли ўзгаришларидаги фарқлар ҳисоблаб чиқилди. Бу эса вилоят аҳолисининг ҳудудий тафовутларини, туғилиш ва ўлим жараёнларининг тафовутларини, ва айниқса мавжуд демографик муаммоларни алоҳида олинган минтақада тадқиқ этиш қуйидаги илмий натижаларни олиш, илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш ва умумий хулосалар бериш имконини яратди:

- 1. Республикамизда хусусан Фарғона вилоятида ва шаҳарларида ҳам аҳоли сонининг ўсиши сўнгги йилларда пасаймоқда. Аҳолининг кўпайиши тулатекис унинг табиий ҳаракати натижаси асосида юзага келмоқда. Аҳоли табиий кўпайиши ва унинг туғилиш даражасидаги ўзгаришлар (қисқариб бориш ҳолати) вилоятимизда шаҳар, қишлоқ ва туманлар бўйича турлича кузатилади. Шаҳар ва қишлоқ ўртасида аҳоли табиий ҳаракатидаги тафовутлар сақланиб қолмоқда. Шунингдек, бунга иқтисодиётдаги ўзгаришлар ўз таъсирини кўрсатмоқда.
- 2. Ўтиш даври демографик жараёнларида ҳудудий тафовут борган сари кучайиб боради; шаҳарлар ва қишлоқ жойлари, вилоят ва туманлари орасидаги фарқнинг катталашиб бориши қайд этилмоқда. Бундай хулосани аҳоли табиий ҳаракати-туғилиш, ўлим ва табиий кўпайиш кўрсаткичларини вилоят, қишлоқ туманлари, алоҳида қишлоқ фуқаролар йиғини ва ҳатто қишлоқ аҳоли манзилгоҳлари даражасида амалга оширилган ўрганишлар натажалари асослаб беради.

- 3. Фарғона вилояти-аҳоли туғилиш даражаси юқори бўлган вилоятлар гуруҳига киради. Бироқ, бу ерда туғилиш кўрсаткичининг пасайишидаги ҳолат бошқа вилоятларга нисбатан катта бўлмаган тебранишга эга; шаҳар аҳолисида эса туғилиш даражасининг пастлиги бўйича айрим вилоятлардан, жумладан, Тошкент шаҳри, Тошкент ва Бухоро вилоятларидан алоҳида ажралиб туради.
- 4. Вилоятнинг ер ресурсларига бой, суғорма деҳқончилик ривожланган ҳудудларида табиий кўпайиш даражаси юқори; аҳолиси зич яшайдиган майдонининг катта қисми чўлларга тўғри келадиган туманларда табиий кўпайиш кўрсаткичи бироз паст.
- 5. Вилоятда аҳоли бандлиги муаммосини ҳал этишда урбанизация даражасини кўтариш ва миграция жараёнларидан фойдаланиш, бунинг учун ийрик қишлоқларга саноатни олиб кириш ва уларга шаҳар мақомини бериш, кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш, фаол демографик сиёсат юритиш каби таклиф ва мулоҳазалар вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим аҳамиятга эга.

